

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
“УСЛУБИЯТ, ТАҲРИР ВА ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКА” КАФЕДРАСИ**

БОЛИБЕКОВА ШОҲИСТА ШАКАРОВНА

**Ихтисослашган матбуот материалларининг тили ва услуги
(“Шифо-инфо” ва “Ташхис” газеталари мисолида)**

5220100 – Журналистика

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Илмий раҳбар:
катта ўқитувчи Н.А.Мирзаева**

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА:

КИРИШ _____	3
АСОСИЙ ҚИСМ:	
I БОБ. ИХТИСОСЛАШГАН МАТБУОТНИНГ ЛИСОНИЙ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ _____	9
1.1. Соҳага оид материаллар тили ва услуги _____	9
1.2. Ихтисослашган матбуот материалларида таҳрир масалалари __	17
II БОБ. ТИББИЁТ СОҲАСИГА ОИД НАШРЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАҲРИРИ _____	25
2.1 . “Шифо-инфо” ва “Ташхис” газеталари материалларида мавзу кўлами, тил, услуб ва журналист маҳорати _____	25
2.2. “Шифо-инфо” ва “Ташхис” газеталари материаллари таҳлили ва таҳрири _____	40
ХУЛОСА _____	47
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати _____	49
ИЛОВАЛАР _____	51

КИРИШ

Инсоният тарихида кейинги юз йиллик турфа хил ахборотларни излаш ва тўплаш, қайта ишлаш ва узатишнинг янги воситалари, усулларининг ниҳоятда тараққий этганлиги билан ажралиб туради. Биз бугун ахборотлар асрида яшамокдамиз. Ахборотлар оқими ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча жабҳаларига ниҳоятда тезкорлик билан кириб бормокда. Ахборот сиёсий, иқтисодий, маданий таъсир этишнинг, моддий фаровонликнинг ва маънавий қадриятларнинг ўзига хос рамзига айланиб қолди. Шу боис оммавий мулоқотнинг ахборий кўлами ҳам, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий аҳамияти ҳам тобора ошиб бормокда. Бинобарин, ахборий мулоқот турлари ва усуллар янада такомиллашиб, мавзу ва мазмун сарҳадлари кенгайиб, олам ва одам сингари мураккаб моҳият касб этмокда.

Зеро, бугунги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари энг самарали ахборот узатиш ва мулоқот воситаси, замонавий жамиятнинг муҳим ижтимоий институтларидан бирига айланди. Айнан ОАВ тизимига ижтимоий онг шаклланиши ва тараққиётига оид энг муҳим вазифалар юклатилдики, уларни амалга оширишда муттасил такомиллашув жараёни алоҳида ўрин тутди.

Оммавий ахборотнинг нуфузи, авваламбор, унинг кенг халқ оммасига қаратилганлиги билан изоҳланади. Бунда аудиториянинг ҳам ОАВ ходимларининг профессионал билим ва малакага эга бўлишини тақозо этади. Ҳозирги вақтда жамият сон-соноқсиз ОАВ орқали янгиликлардан тезда воқиф бўлишдек катта ва тезкор имкониятларга эга бўлди. Ахборот қандай тарзда қабул қилинмасин, у, барибир, тил воситалари орқали ўз ифодасини топади.

“Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”¹. ОАВ тилининг мақоми икки омилга, яъни биз тил истилоҳини қайси маънода тушунишимиз ва ОАВ тили миллий тилнинг функционал турлари орасида қандай ўрин эгаллаб турганлигига боғлиқ бўлади.

Оммавий ахборот воситалари воқеликнинг таҳлилий, танқидий ва ахборий нуқтаи назардан ёритишга хизмат қилади. Газета материаллари умумий хабар ва маълумот беришга, шу кеча-кундузда юз бераётган жараёнларни ёритиб боришга асосланган бўлса, журналлар бир қадар мушоҳадали таҳлилларга таянади. Газеталар даврийлиги қисқа бўлгани сабабли тезкорликни талаб қилади. Ундаги ахборот тезкорлиги билан журнал материалларидан ажралиб туради. Омманинг ижтимоий ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлашда газета материалларининг ҳиссаси катта улушни ташкил этади.

Табиийки, замондошларимизни бугун кучли эҳтирос, дабдабали ва чиройли сўзлар билан қойил қолдириш қийин бўлганидек, ўз ўқувчимизни ҳам анъанавий тарзда ёзиладиган бадий, илмий, илмий-публицистик асарларни ўқишга ҳамма вақт ҳам жалб эта олмаймиз. Аммо, матбуот материалларининг савияси, тил, услубидаги мукамалликни ошириш орқали ўқувчиларни жалб эта олишимиз мумкин. Бунда матбуотни тармоқлантириш жуда қўл келади. Ўқувчи ўзининг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, материални танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Ихтисослашган материалларни оммага етказишда, уларни оммабоп этиб чоп этиш лозим. Оммабоплик, ўз навбатида, публицистик асарлар яратилишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам бугунги кун публицистикасининг муҳим белгилари қаторига очиклик, жўшқинлик,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009. 83-б.

холислик каби хусусиятлар билан бирга илмийлик, асосланганликни ҳам киритиш мумкин.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда ихтисосланган матбуот материалларининг тизимини такомиллаштириш ва бу тур материалларнинг сон ҳамда сифат жиҳатидан кўламини кенгайтириш борасида муҳаррирлар, ноширлик ва матбаачилик йўналишларида фаолият олиб бораётган етакчи мутахассислар олдига муҳим вазифалар кўйилди.

Ҳозирги кунда матбуотда тиббиётга оид масалаларнинг ёритилиши замон талабларига жавоб бераяптими? Тиббиёт соҳасидаги ютуғу камчиликлар, муаммолар холисона ёритилаяптими? Шу саволларга тўғри жавоб топиш битирув малакавий ишимизнинг бош мақсади бўлди. Энг асосийси, ихтисослашган матбуот оммавий ахборот воситалар ичида қай ўринга эга бўлиб бораётганлигини ўрганиш муҳим масала бўлиб турибди. Бу эса, биз ўрганаётган тадқиқот ишимизнинг долзарб эканлигини кўрсатиб беради. Зеро, бугунги оммавий ахборот воситалари тараққий этаётган бир даврда ўқувчиларнинг билимларини оширадиган махсус соҳани ёритиб берадиган материалларни яратиш, уларнинг тили, услуби ва таҳрири масалаларини ўрганиш жуда муҳим саналади. Ихтисослашган материалларнинг тили ўзига хос бўлиб, унда махсус лексикадан унумли фойдаланилади. Махсус лексикани матнга киритишда эса муаллиф турли усуллардан моҳирона фойдаланиши лозим бўлади. Услуб жиҳатдан унда ҳам илмийлик, ҳам ҳаммабоплик талаб қилинади. Бунда аниқ факт ва далилларни келтириш, исботлаш билан бирга таъсирчанликка ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Маълум соҳага оид асарларни таҳрир этишда ҳам муҳаррирдан ўзгача ёндашув талаб қилинади. Шу маънода бундай материалларнинг мукамаллиги кўп омилларга боғлиқдир.

Битирув ишининг илмий янгилиги. Бугунги кунгача ихтисослашган матбуот материалларининг тили, услуби, таҳририни ўрганиш борасида ҳамда уларни ривожлантирувчи фаолиятга дахлдор илмий ишлар умумий миқёсда тадқиқ этилган. Аммо айнан тиббиёт соҳасига оид материалларнинг тили ва услуби, таҳлил ва таҳрир масалалари ҳали ўрганилмаган. Мазкур масалани чуқурроқ тадқиқ этиш мақсадида ушбу мавзунини танладик. Маълум соҳага оид материал яратиш осон иш эмас. Муаллиф ўша соҳани мукаммал билиши, тушунчаларини тил орқали етказиб беришни билиши ҳам керак. Бунинг учун тилнинг фонетик, лексик, грамматик воситаларидан оқилона фойдаланган ҳолда фикр ифодаланиши лозим. Айниқса, маълум соҳага хос бўлган махсус лексикани қўллаш учун ўша соҳа ҳақида билим, малака талаб қилинади. Терминларни матнга киритиш, уларни ҳаммага тушунарли бўлишини таъминлаш учун журналист анча меҳнат қилишига тўғри келади. Бундай материалларнинг таҳрири ҳам ўзига хос. Унда муҳаррир матннинг турли имкониятларини эътиборга олиши шарт. Ихтисослашган матн маълум соҳа ёки илмга йўналтирилган бўлиб, ҳам аниқ илмий ёндашувларни, ҳам барчага тушунарли бўлишни, ҳам таъсирчанликни талаб этади. Ўша соҳага оид фикрларни оммабоп ва ҳаммабоп қилиб етказишга ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Муҳаррир таҳрир жараёнида ушбу масалаларни ёдда сақлаши зарур. Биз ишимизда ана шу масалалар ҳали ўрганилмаганлигини эътиборга олган ҳолда, уни тадқиқ этишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Биз ўрганаётган ихтисослашган нашрларнинг ёзилиши ва нашриётлар орқали уларнинг нашр этирилиши соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, монографик ишлар мавжуд эмас. Ихтисослашган материалларнинг тили, услуби, таҳрири борасида фикрлар ҳам кам учрайди. Шунинг учун уларнинг ўзига хос жиҳатлари кенг қўламда очиб берилмаган. Бундан шу аёнки мазкур ишда ўз тадқиқини

кутаётган муаммолар борлигини инкор этиб бўлмайди. Жамиятдаги янгиликлар жараёни ўз-ўзидан илмий тафаккурнинг ҳам янгича дунёқараш билан бойишига хизмат қилади. Биз ушбу материалларнинг ўзига хос лисоний-услубий хусусиятлари, уларни таҳрир этишда аҳамият қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида фикр юритдик, аниқ мисоллар орқали фикрларимизни асослашга ҳаракат қилдик.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Мамлакатимизда жуда кўплаб соҳалар мавжуд. Илмий асосланган китоблар, адабиётлар, хуллас маънавий бойлигимиз етарли даражада. Уларни халқимизга тушунарли тарзда етказиб беришда матбуотнинг роли катта. Ихтисослашган матбуотда уларни тил ва услуб жиҳатдан қайта ишлашга тўғри келади. Бунинг учун уларда қўлланиладиган бирон соҳага оид терминларни изоҳлаш, мураккаб жумлаларни соддалаштириш, матн тилини халқ тилига яқинлаштириш лозим бўлади. Маълум соҳага оид материаллар тилини оммабоплаштириш бугунги кун учун жуда аҳамиятлидир. Сабаби, биринчидан, омманинг маълум соҳага, илмга чанқоқлиги ва янгиликларга қизиқиши ихтисослашган материалларни ўрганишни талаб қилса, иккинчидан эса, ноширлик ва матбаачилик ишлари хусусидаги ишлаб чиқилган фармойиш, қарорлар, талаблар ҳамда нашриёт уйларининг ўқувчилар имкониятларидан келиб чиқиб, чоп этаётган материалларни қай аҳамиятга эгаллигини ҳам билиш муҳимлигини юзага келтиради. Бунда таҳрир масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, илмий ишимизнинг асосий вазифаси қилиб, ихтисослашган матбуот материаллари тили ва услубини ўрганиш, шунингдек, материалларда учраётган лисоний камчиликлар ва уларни бартараф қилиш усулларини ўрганиш белгилаб олинди.

Ишнинг объекти ва предмети. Мавзу юзасидан илмий адабиётлар ва “Шифо-инфо” ва “Ташхис” газетаси материаллари битирув малакавий ишининг объекти сифатида ўрганилади.

Илмий ишнинг назарий ва методологик асослари. Тадқиқот олиб боришнинг илмий усуллари сифатида: таҳлил, тизимли ёндошув, қиёслаш усулларидадан фойдаланилди.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти. Ушбу битирув малакавий иши материалларидан ўқув жараёнида амалий ва назарий қўлланма сифатида, шунингдек, ОАВ тили ва услубига оид илмий мақолалар ёзишда ҳам фойдаланса бўлади.

Тадқиқотнинг тузилиши. Кириш, ҳар бири икки фаслдан иборат икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, мавзунинг ўрганилиш даражаси, ишнинг объекти ва предмети, илмий ишнинг назарий ва методологик асослари, амалий аҳамияти ва тузилиши баён этилган.

Асосий қисм икки бобдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири 2 фаслдан иборат. Ишнинг биринчи боби “Ихтисослашган матбуотнинг лисоний-услубий хусусиятлари” деб номланиб, унда соҳага оид материалларининг лисоний жиҳатлари, таҳрир масалалари атрофлича ўрганилган, мисоллар орқали таҳлил этилган.

Ишининг иккинчи боби “Тиббиёт соҳасига оид нашрлар таҳлили ва таҳрири” мавзуида бўлиб, унда “Шифо-инфо” ва “Ташхис” газеталарида мавзу кўлами, тил, услуб ва журналист маҳорати, шунингдек материаллар таҳлили ва таҳрири аниқ мисоллар орқали батафсил таҳлил қилинган.

Ишнинг хулоса қисмида тадқиқот ишидан олинган фикрлари умумлаштирилган ва бир қатор таклиф ва тавсиялар берилган.

I БОБ. ИХТИСОСЛАШГАН МАТБУОТНИНГ ЛИСОНИЙ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Соҳага оид материалларнинг тили ва услуги

Бугунги кунда Ўзбекистон демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан қатъият билан бормоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, мустақил тараққиёт йиллари нафақат иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий жабҳалар, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт ва санъат соҳалари, балки оммавий ахборот воситалари учун ҳам том маънода юксалиш даври бўлди. Оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз фуқаролик жамияти институтлари тизимида тобора муҳим ўринни эгалламоқда. Айтиш лозимки, ОАВларнинг, қолаверса, журналистларнинг долзарб вазифаларидан бири – бу фуқаролик жамиятини шакллантиришда омманинг фаол иштироки, рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашдан иборатдир. Бу борада мамлакатимизда мустақиллик йилларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Юртимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида юз бераётган демократик янгиланишлар, туб бурилишлар ҳақида республика аҳолисини, жаҳон ҳамжамиятини ўз вақтида хабардор қилишга, шунингдек дунё ахборот майдони глобаллашуви кучаяётган шароитда содир бўлаётган воқеаларга тез ва холис муносабат билдира олишга қодир бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида айтишга арзигулик ишлар олиб борилмоқда.

Республика оммавий ахборот воситаларининг бугунги ҳолати куйидагиларни кўрсатмоқда:

2013 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, агентлик томонидан рўйхатга олинган, оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1377 тани (720 таси газета, 286 таси журнал, 16 таси ахборотнома-бюллетень, 4 таси ахборот

агентлиги, 67 таси телевидение, 34 таси радио, 253 таси веб-сайтлар) ташкил этди.

Шу ўринда ҳозирда оммавий ахборот воситаларининг 40 фоиздан зиёди маълум бир соҳага ихтисослашганлигини алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозим².

Жамият ҳаётининг бирор - бир соҳасини чуқур ва атрофлича ўрганишда ихтисослашувнинг ўрни беқиёс. Агарда жамиятда бирон соҳада юксалиш юзага келса, бу ерда ихтисослашган журналистик маҳоратнинг роли ҳам борлигини унутмаслик керак.

Ихтисослашган журналист нафақат журналистика соҳаси, балки ўзи ихтисослашган соҳанинг ҳам мутахассиси ҳисобланади, қолаверса, шу хусусиятдан келиб чиқиб, ихтисослашган журналистнинг ўз мутахассислиги бўйича ёзадиган мақоласи ёки тайёрлайдиган кўрсатуви оригиналлик ва юксак сифат даражасида бўлиши лозим.

Ихтисослашган журналистга бир нечта талаблар қўйилади. Улар қуйидагилар:

- Ихтисослашган журналист фақат журналистика соҳаси билан чекланиб қолмайди, балки у ўзи ихтисослашган касбининг ижтимоий табиати, функция ва тамойилларидан келиб чиқувчи талабларга ҳам бўйсунди. Яъни олий журналистика курслари нафақат журналистика, балки бирор бир соҳага ихтисослашувни ҳам талаб қилади. Зеро, ихтисослашган журналист ўзининг "Мен" ини қўя олиши, ўз нуқтаи назарига эга бўлиши, ижтимоий воқеликни шунчаки, беэҳтирос қайд этувчи эмас, балки жамият, халқ, миллат, ватаннинг манфаат ва мақсади учун кураша олиши шарт.

² Юнусов А. Оммавий ахборот воситалари ихтисослашувининг долзарб аҳамияти // Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари. –Т.: Фафур Гулом, 2013. 4-бет.

- Ихтисослашган журналист йўналган касбини пухта эгаллаб олиши, ўткир қалам эгаси бўлиши, ижтимоий ҳаётни чуқур ўрганиши ва унинг муаммоларини кўтариб чиқиши, ижтимоий нуқсон ва иллатларга муросасиз бўлиши, доимо изланиши ва ижодий маҳоратини ошириб бориши керак.

- Мамлакатимизга интернет тармоги кириб келганига у қадар кўп вақт бўлмаган бўлса-да, бугунги кунда шу тармоқдан фойдаланиб келаётган юртдошларимиз жуда кўпчилиқни ташкил этмоқда. Интернет кун сайин мамлакатимизнинг чекка-чекка жойларига бориб, турли хил соҳа вакилларига онсонлик тугдириб, инсонларга яхшигина қўллайлик яратиб бермоқда.

Масалан, тиббиётга, спортга, ҳуқуқ соҳасига ихтисослашган нашрларда эълон қилинаётган материалларда интернетнинг роли катта.

Журналистика соҳаси технология ва ускуналардан фойдаланиш даражасига қараб 5 хил кўринишни ўз ичига олган:

Газета ва журналларга оид журналистика, тележурналистика, радиожурналистика, интернет-журналистика, фотожурналистика.

Чет давлатларида ҳар бир соҳанинг ўз журналиста бўлиб, хусусан, сиёсий журналистика, халқаро журналистика, тадбиркорлик журналистикаси, мусиқага оид журналистика, спортга оид журналистика, илмий журналистика, ресторонларга оид журналистика, журналистик текширув, янги журналистика, гонзо-журналистика, мультимедиага оид журналистика, фуқаро журналистикаси, диний журналистика каби турларга бўлинган.³

Ҳозирги пайтда бирон соҳага йўналтирилган материалларни тушуниш ёки яратиш учун она тилини мукамал ўзлаштириш долзарб масалага

³ Бўрибекова Ш. Журналист шахси ва шахсияти ҳақида // Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 82-бет.

айланди. Ушбу асарларни мукамал эгаллаш, яратиш учун энг аввало, ўзбек тилини чуқур билиш талаб этилади. Афсуски, бизда тилга эътибор мақтанарли даражада эмас. Ихтисослашган материал ёзаётганда муаллиф ўша соҳага хос терминларни ҳам яхши билиши ва ҳаммага бирдай тушунарли қилиб етказиш усуллари ҳам ўзлаштирган бўлиши лозим.

Ихтисослашган материалларда муаллиф "мен"и матннинг хусусиятларидан биригина эмас, балки бевосита ва муқаррар равишда ушбу асарнинг қизиқарлилигини белгилайдиган тизимнинг белгисидир. Муаллиф "мен"и (ўзига хослиги) муҳаррирга алоҳида композицион унсурлар (лирик мушоҳадалар, фалсафий чекинишлар) нима билан асосланганини, нечоғлик мақсадга мувофиқ қўлланилганини баҳолашга имкон яратади. Одатда, муаллиф чекинишлари ҳис-ҳаяжонни орттириб, ўқувчининг баён қилинаётган ҳодисага нисбатан зарур реакциясини чақиришга хизмат қилади. Муаллиф чекинишларида ҳис-ҳаяжон ёзувчининг айтилаётган гапларга нисбатан муносабатини билдирувчи ундов гаплар орқали ифода этилади. Улар бевосита ўқувчига йўналтирилган бўлади. Бундай ундовлар учун одатда **"сиз"** ёки **"биз"** олмошларини ишлатиш лозим.

Демак, биринчидан, соҳавий адабиёт моддий неъмат сифатида маънавий ҳаётдаги ўзини намоён этиш орқали мавқега эга бўлади ва шу асосда мағзи йўқ, пуч асарларни инкор этади. Иккинчидан, бундай асар ақл ва қалб маҳсули, унинг замирида тирик инсонларга хос интилишлар, зиддиятлар, мураккабликлар ётади ва шу хусусиятлар унинг абадийлигини таъминлайди. Учинчидан эса, уларда ижодкор ижтимоий ҳаёт билан муносабатга киришади: ниманидир тасдиқлайди, ниманидир инкор қилади ва зиддиятли муносабат орқали ўзлигини намоён этади ва ўша соҳанинг "сир-синоатларини" оммага етказиб беради. Тўртинчидан, бу турдаги асарлар матни серқатлам бўлади.

Бу борада матбуотимиз ўзининг оммабоплиги, ахборот етказиш функцияси, ижтимоий-сиёсий ҳаётни таҳлилий ёритиши билан бир қаторда миллий ва умуминсоний маънавиятга, маданият ва маърифатга дахлдор ҳам ҳисобланади. У ижтимоий тафаккурга, мафкуравий юксалишга, сиёсий барқарорликка таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, матбуотнинг ривожини, унинг материаллари мазмун-моҳияти, матни, матний мулоқот маданияти, фикрнинг ўқувчига яхши етиб бориши, тушунмовчилик келиб чиқмаслиги билан боғлиқ ҳолда кечади. Матбуотнинг вазифалари, тамойиллари бўлгани каби ўзига хос жанрий-услубий ва лисоний-услубий хусусиятлари ҳам мавжуд.

Газета матнининг мукамал, беҳато ва равон бўлиши учун журналистдан жуда катта маҳорат, билим, кўникма, зийраклик, материалларнинг ижтимоий-мафкуравий, маданий-ахлоқий, адабий-услубий жиҳатдан баҳолай олиш малакаси, фикрни ёзма билдириш малакаси талаб этилади. Бунинг учун журналист адабий тил меъёрлари, жумла тузиш, фикрни ёзма билдириш маҳоратига эга бўлиши лозим. Матннинг таркибий қисмлари ва унсурлари орасидаги уйғун боғланиш ва изчиллик, мазмуний ва мантиқий тугаллик, уларнинг шаклий яхлитлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Зеро, газетани бутун халқ ўқийди. Демак, газета нутқи миқдор жиҳатдан кўп, ёши, касби, соҳаси, билими ва ижтимоий тоифаси хилма-хил аудиторияга мўлжалланган бўлади. Таҳририят уларнинг барчаси билан алоҳида-алоҳида муносабатда бўла олмайди, фақат матн ёрдамида мулоқотда бўлади.

Шунга кўра, ўқувчи тушуниши қийин бўлган сўзлар, терминларни сўраб билиб олиш имконига эга эмас. Бундай шароитда газета матни ҳамма учун бирдек тушунарли бўлишини таъминлашни тақозо этилади.

Ихтисослашган матбуот материаллари таҳлили нафақат илмийликни, балки катта масъулиятни ҳам талаб этади. Чунки бу турдаги нашрлар омма

орасида анча кенг тарқалади ва омманинг савиясини, онгини юксалишига хизмат қилади.

Соҳавий матбуот тили - маълумот бериш ва унга юклатилган вазифани амалга оширишнинг асосий воситасидир. Ушбу материалларнинг тили ва услубини таҳлил этишда муаллиф ва муҳаррир эътибор қаратиши керак бўлган бир қанча талаблар мавжуд. Бундай матн тили уни ўқиш учун мўлжалланган аудиторияга аниқ, равшан ва тушунарли бўлиши лозим. Муаллифнинг бу ўринда баён қилиш усулини тўғри танлай билиши ниҳоятда муҳим. Маълумки, баён қилишнинг тасвирлаш, мулоҳаза юритиш, ҳикоя қилиш каби турлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Уларни қўллаганда материалнинг турини назарда тутиш катта аҳамиятга эга. Масалан, теоремани исботлаш жараёнида муаллиф мулоҳаза юритиш усулидан, жараённинг ривожланиб боришини тасвирлашда ҳикоя қилиш усулидан фойдаланиши лозим. Шунингдек, баён қайси турда бўлмасин, у аниқ ва ишонарли бўлиши керак.

Соҳавий матбуот тили у ўз ичига олган фан ёки фаолият соҳаси тили билан боғлиқ бўлиши лозим. Муаллиф шу соҳанинг асосий терминологиясидан тўлиқ ва аниқ тарзда фойдаланиши даркор. Бундай материаллар яратиш жараёнида муаллиф қуйидаги тартибларга риоя этади:

- оммага маълум бўлган терминларни қўллашга ҳаракат қилади;
- фақат зарур бўлган терминларнигина киритади;
- керак бўлса, терминларнинг маъносини изоҳлайди.

Агар мазкур оддий қоидаларга амал қилинмаса, материал ўз қимматини йўқотади.

Материални баён қилишда бир турдаги масалаларнинг қўйилишида, термин ва тушунчаларни ишлатишда, мулоҳаза юритишда бир хилликка эришиши керак бўлади.

Тил ва услуб қабул қилинган меъёрларга мос бўлиши ҳам илмийликка, ҳам оммабопликка мувофиқ келиши зарур. Бу тамойил кўп нарсани белгилайди. Биринчидан, бирор соҳани ўрганаётган киши, унинг тилини ҳам ўрганади ва ўзининг нутқий имкониятларини кенгайтириб боради. Иккинчидан, ихтисослашган матбуотнинг тили камчиликлардан ҳоли бўлмоғи керак, негаки уни ўқиётган киши тил меъёрларини ҳам ўзлаштиради.

Муаллифнинг термин ва тушунчалар устида ишлаши алоҳида аҳамиятга эга. Асосий талаб: барча терминлар мавзу ёритилиши жараёнида аниқлаштирилиши ва тушунтирилиши лозим. Термин ва тушунчалар таҳлили муҳаррир ишининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Айтиб ўтиш лозимки, ҳар бир соҳанинг ўз терминлар тизими мавжуд бўлиб, улар мунтазам ривожланиб боради. Барча тушунчалар ҳам терминлар билан ифодаланмайди, бироқ бирор соҳага оид матнда тушунчаларни қўллашда битта ҳодисани битта тушунча билан ифодалаш талаб этилади. Айтиш лозимки, терминлар маълум бир фаннинг профессионал асосини очиб беради. Қолаверса, фаннинг яхши ўзлаштирилганлигининг кўрсаткичларидан бири ўқувчининг профессионал лексикани эгаллагани билан белгиланади.

Шунингдек, муаллиф мазкур нашрда термин ва тушунчаларни ишлатиш тамойиллари ягона бўлишига эътибор қаратиши лозим. Масалан, агар қоидага кўра терминнинг тўлиқ шаклдагиси билан бирга қисқартма шакли ҳам қабул қилинган бўлса, унинг қисқартмасини ишлатган маъқул. Маълумки, терминнинг тўлиқ шакли сўз бирикмалари кўринишида берилади, бу эса материалнинг ўзлаштирилишини мураккаблаштиради.

Шундай қилиб, ихтисослашган матнга терминларни киритиш санъати материал мазмунини ўзлаштириш, ўқувчиларнинг маълум соҳадаги асосий тушунчалар ва ҳодисаларга эътиборни қаратишда муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, ихтисослашган матбуот материаллари тилининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда кўринади:

- Далилларнинг аниқлиги, мантиқий асослилиги, тавсифий изчиллиги.
- Илмий терминларнинг кўпроқ қўлланиши.
- Гап бўлақларининг тушиб қолиши кам учрайди.
- Адабий меъёрга риоя қилиш, шевачиликка йўл қўйилмаслик.
- Гапларнинг грамматик шаклланганлиги.

Бундай материалларни тайёрлаш нафақат журналистдан, балки таҳририят ходимларидан катта масъулият талаб қилади. Мухаррир уларни кўриб чиқиш жараёнида унинг тилида қўлланиладиган кўпчиликка тушунарсиз бўлган терминларга эътиборли бўлиши талаб этилади.

Оммавий ахборот воситалари тили омма учун қайсидир даражада намунавий тил услуби вазифасини ўтайди. Шунинг учун чоп этилган мақолаларда жиддий услубий-лисоний хато ва гализликларнинг пайдо бўлишига онгли равишда йўл қўймаслик зарур. Акс ҳолда халқнинг нашрга бўлган ишонч ва эътибор даражаси сўнади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, маълум соҳага оид материаллар яратишда муаллифнинг саводхонлиги муҳим аҳамиятга эга. Тил ва услуб воситаларини ўз ўрнида қўллаш, ҳам илмий, ҳам таъсирли материал тайёрлаш, материалнинг оммага тушунарли бўлишига эришиш каби вазифалар муаллиф учун муҳимдир. Айниқса, ўзи ёритаётган соҳанинг кучли мутахассиси бўлиши ва тушунчаларни тил воситалар орқали ифода этиш маҳоратига эга бўлиши талаб этилади. Булар ихтисослашган матбуотнинг мукамал бўлишида зарур бўлган омиллардир.

1.2. Ихтисослашган матбуот материалларида таҳрир масалалари

Маълумки, бугунги кундаги таҳрир ишининг тарихи ёзувнинг пайдо бўилиш ва китобат билан чамбарчас боғлиқ.⁴ Ёзув ва китобат тарихи – маданият тарихининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, оммавий коммуникациянинг бошқа воситалари, хусусан, матбуот ҳам маданиятнинг ривожланишларидаги қўшимча воситадир.

Аввало, таҳрир иши - ижтимоий-адабий ва мафкуравий фаолиятдир. Таҳрир арабча сўз бўлиб, қутқармоқ, озод қилмоқ деган маъноларни англатади. Таҳрир, биринчидан, қўлёзмани тартибга келтириш, ишлаш, нашрга тайёрлаш, иккинчидан, муайян ишлов берилган матннинг ўзи, учинчидан баён этилган фикрнинг муайян ифодаси, шакли тушунилади.

Таҳрирнинг ҳам ўзига хос талаблари бор. Биринчи талаб, бу муаллиф услубини сақлашдир. Бевосита ана шу талабдан чиқмаган ҳолда сўз қўллаш, жумла тузиш, композиция, тасвирий воситалардан фойдаланиш устида иш олиб борилади. Бу жараён муҳаррирдан маҳоратни, чуқур билимни, бағрикенгликни талаб қилади. Маҳорат эса ҳар бир сўз устида узоқ, тер тўкиб ишлашда эмас, айнан ўша сўзни топа билишдадир.

Янги сўз қўллаш ёки сўзни ўринли тарзда янги мазмунда ишлата олиш бу биз юқорида тўхталган маҳоратнинг асосий омилларидан биридир. Матнда мавжуд сўзларни ўзгартириш жараёнида такрор айтиш жоизки, муҳаррир муаллифнинг тили ва услубига путур етказмаслиги лозим. "Сўз танлаш ва қўллаш мезонлари ижтимоий омиллар, нутқ соҳалари ва услублари, алоқа шароитлари талабига мувофиқ ўзгариб туради. Уларни яхши-ёмон, ўринли -ўринсиз, яроқли - яроқсиз, маромли - маромсиз тарзда

⁴ Тоҳиров З. Адабий таҳрир. Дарслик. –Т.: Тафаккур-Бўстони, Чўлпон, 2012. 8-бет.

баҳолаш ҳам, энг аввало, тилнинг луғат бойлигига эмас, балки тил амалиётига, яъни алоқа жараёнига дахлдор".⁵

Дарҳақиқат, сўз қўллаш ва танлаш муҳим жараён бўлиб, жумла туза олиш ҳам бевосита шунга боғлиқ. Муҳаррир матнни тил, ифода жиҳатдан мукаммал, мантиқсизликлардан ҳоли бўлиши учунгина эмас, композицион томондан ҳам беҳато чиқиши учун қайғуриши, бу борадаги камчиликларни бартараф этишда муаллифга имкон борича кўмаклашиши даркор. Матнда композиция – воқеалар кетма – кетлиги, улар орасидаги мантиқий боғланишлар ҳар қандай нуқсондан ҳоли бўлса, бу матн мазмуни ўқувчи томонидан тез илғаб олинади. Аксарият ҳолларда муҳарририятга келиб тушган хатлар билан уларнинг таҳрир қилинган вариантини солиштириб, орасида катта тафовут борлигини кўрамыз.

Муаллиф томонидан ёзилган матн бутунлай қайта ёзиб чиқилган. Унинг жўнгина ўзига хос тили тушунарсиз илмий тилга айлантириб юборилган.

Ижодий фаолият тажрибаси шуни кўрсатадики, ёзувчи, журналист ҳаётини пала – партиш ёки тўғридан – тўғри кўчиравермайди. Қаламкаш ўзининг услуби ва дунёқарашига мувофиқ ҳаёт материалларини саралайди, ажратади.

Жумлани тўғри тузиш ҳам матннинг қимматини оширадиган жиҳатдир. Жумлалари равон тузилган матн мазмунини илғаб олиш осон кечади, у ўқувчига тушунарли бўлади. Муаллиф жумлаларни таҳрир қилиш жараёнида муҳаррир уларнинг содда ва қисқа бўлишини таъминлаши жоиз. Бу муаллиф услубини мутлақо ўзгартириш, уни ўзига хослигидан айириш дегани эмас.

“Рўйхатхонадаги қиз айтганидек, дарҳақиқат, йўлакда навбат кутиб ўтирган аёллар сони кўпчилиқни ташкил қиларди” жумласидаги

⁵ Тошалиев И. Сўз қўллаш мароми. // Ёшлиқ, 1990.8-сон.

“дарҳақиқат” сўзи ортиқча қўлланилган. Ёки жумла “Дарҳақиқат, йўлакда навбат кутиб ўтирган аёллар сони кўпчиликни ташкил қиларди” шаклида таҳрир қилиниши лозим.

Шунингдек, бу материалда тиниш белгилари билан боғлиқ хатолар ҳам мавжуд. “У энг аввало, асабларини асраши, сабр қилиши, доимий равишда қачон ҳомиладор бўламан, деган фикрни миясидан чиқариб, организмни чиниқтириши, саломатлигини тиклаши зарурлигини тушуниб етганини айтди.”⁶ Кириш сўзи гап ўртасида келса, кириш сўзининг икки тарафидан вергул қўйилади. “У, энг аввало, асабларини асраши, сабр қилиши, доимий равишда қачон ҳомиладор бўламан, деган фикрни миясидан чиқариб, организмни чиниқтириши, саломатлигини тиклаши зарурлигини тушуниб етганини айтди”.

Маълум соҳага оид материалларни нашрга тайёрлаш, таҳрир ва таҳлил қилиб, такомиллаштириш ишлари масъулиятли ва мураккаб жараён дир. Шу ўринда бир фикрни келтирсак: "Таҳрир деган сўзга беписандлик билан, ҳатто ғаши келиб, қараш кайфиятлари йўқ эмас. Қўйиб берсангиз таҳрирдан сўз очилса, цензура дейдиганлар ҳам учрайди. Аслида саводли, маҳоратли ва зиёли муҳаррирнинг қиммати ҳеч қачон, ҳеч қандай замонда қадрини йўқотмаган, йўқотмайди ҳам. Таҳрир муаллифнинг фикрини қайчилаш эмас, таҳрир - муаллиф айтмоқчи бўлган, лекин ўхшатиб ифодамай олмаган фикрларга йўл очиш демак дир. Сўзга, жумлага сайқал бериш сўз сеҳри ва жозибасини ҳис қилиш, мулоҳазаларни изчил равишда баён этиш, ортиқча ва ўқувчи эътиборини муҳимдан чалғитадиган номуҳимлардан воз кечиш деганидир". Диққатингизни яна бир жумлага қаратсак, “... Варикоз касаллигида сурункали веноз қон оқими этиш мовчилигининг клиник

⁶ Ҳафиза Асал. Акушер-гинеколог бепул консултация кунидан репортаж.//Шифо-инфо, 15-сон. 15-бет.

кўринишлари нуқтаи назаридан 4 та даражаси мавжуд... Ушбу ўзгаришларнинг келиб чиқиш сабаби шундаки, варикоз қон томирлари кенгайган сари вена қон томири девори юпқалашиб, унда тешикчалар ҳосил бўлади ва бу тешикчалардан қоннинг суюқ қисми билан бирга қон таначалари ҳам тери ости тўқимасига чиқа бошлайди.”⁷ Чунки, қатъий илмий баён йўсинига одатланиб қолган мутахассисларнинг, олимларнинг ўз фикрларини оммабоп, ҳаммабоп услубда ифода этиш малакасини ҳосил қилишлари осон кўчмайди. Бунинг учун муайян муддат машқ қилиш керак. Ўзбек тилида маълум соҳа муаммоларига оид оммабоп нашрлар ниҳоятда камлигининг сабабларидан бири балки, мана шунда бўлса ажаб эмас.

Шу ўринда муҳаррир ва унинг вазифаси ҳақида тўхталишни жоиз деб топдик. Муҳаррир озод қилувчи, эркинликка чиқарувчи, деган маъноларни билдириб, таҳрир иши билан ишлайдиган киши тушунилади. Муҳаррир матндаги барча сўз ва ифодаларни, имло ва тиниш белгиларию шрифтларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги зарур. Муаллифнинг айтмоқчи бўлган гапни аудиторияга етказиб беришда таҳрир ҳайъатининг, хусусан, муҳаррирнинг ҳиссаси ортиб бораверади.

Шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, таҳрир қилишнинг энг оқилона тури бу - маълум бир қўлёзмага берилган тақриз ҳисобланади. Биз тақриз орқали энг жиддий бўлган тузатишларни, хулосаларни олишимиз мумкин бўлади.

Доимо таҳрир ва таҳлил биргаликда иш кўради. Таҳлил ҳам таҳрир қилишнинг бир муҳим жиҳати ҳисобланиб, қўлёзма тили, услуби ва мазмун-моҳиятини белгилашда асосий ўринни эгаллайди. Таҳрир қилинган асарнинг

⁷ Таджибаев Р. Варикоз касаллигида веноз қон оқими етишмовчилиги//Ташхис, 2014 йил, 14-сон. 32-бет.

тахлили яхши чиқмаган бўлса ёки таҳлил элементлари кўзга ташланмаса, билинки унда асар тўлақонли мукамалликка эришмаган.

Маълум бир турдаги асарларнинг (хоҳ у оммага, хоҳ маълум соҳа вакилларига мўлжалланган бўлсин) таҳрири жараёнида қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади:

- Муаллифнинг мақсади.
- Асарнинг ғояси, тузилган матннинг асосий ғояси нима?
- Материалда манбалар қанчали асосли ва ҳаққоний?
- Матнда муаллифнинг ўз услуби сақланиб қолганми?
- Матнда муаллиф лисоний-услубий санъатлардан қай даражада фойдалана олган?

Муҳаррир таҳрир жараёнида қуйидагиларга амал қилиши керак бўлади:

- Матн ёзишдан муаллифнинг асосий мақсадини белгилаб олиш;
- Тузатиш, қоралама вариантини яхшилаш босқичи;
- Таҳрир қилиш ёки корректурани ўқиш.⁸

Ҳар қандай матн муайян мақсадни кўзлаб тузилади. Ваҳоланки, матн орқали ўқувчига (аудиторияга), бирор-бир нарса, воқеа ёки ҳодиса ҳақида хабар, маълумот етказилади.

Матбуот маданий матний мулоқотнинг энг фаол ижтимоий тури сифатида адабий таҳрир жараёни билан узвий боғлиқ.⁹ Лекин, матбуот, хусусан, ихтисослашган матбуот матнларининг таҳрир муаммолари деярли ўрганилмаган соҳалардан бири ҳисобланади. Кузатишимча, матн таҳрири муаммоларини ўрганишга оид баъзи тадқиқотлар яратилган. Аммо оммавий матнлар, хусусан, ихтисослашган матбуот материаллари таҳрири масалалари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Шу мулоҳазаларимдан

⁸ Тоҳиров З. Адабий таҳрир. Дарслик. –Т.: Тафаккур-Бўстони, Чўлпон, 2012. 37-бет.

⁹ Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. – Т.: Университет, 2006. 28-бет

келиб чиқиб, газета матни, айниқса, ихтисослашган матбуот таҳрири масалаларига тўхталишни лозим деб топдим.

Бирор соҳага ихтисослашган матбуотда ўша соҳага оид материаллар ёритиб борилади. Маълум соҳа ҳақида ёзаётган муаллифнинг кўпчилигида ўз қўлёзмасини қайта-қайта тузатиб, ундаги хатоларни бартараф этиш кўникмаси мавжуд. Лекин баъзи муаллифлар қўлёзмаларини кўздан кечириб, бу кўникма уларда йўқлигига ишонч ҳосил қиласан киши.

Адабий ходимнинг қўлёзма устида ишлаш жараёнини таҳлил қилиш адабий таҳрирнинг асосий йўналишидир. Газетада босилиши лозим бўлган қўлёзманинг сайқал топишида, уни пишиқ - пухта, беҳато тарзда газетхонга етказишда муҳаррирининг, адабий ходимнинг хизмати бениҳоя катта.

Газета матни таҳрири ҳам ўзига хос билимдонликни талаб қиладиган жараёндир. Муҳарририятга келиб тушадиган хатларни муштарийга тушунарли қилиб етказиш учун унга адабий ходимнинг хизмати сингмоғи лозим.

Термин ва тушунчалар таҳлили муҳаррир ишининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Айтиб ўтиш лозимки, ҳар бир соҳанинг ўз терминлар тизими мавжуд бўлиб, улар мунтазам ривожланиб боради. Бугунги кунда матбуотнинг, айниқса, ихтисослашган матбуотнинг тил ривожига таъсири гоят катта. Замонавий фан-техника ривожиланиши махсус сўзлар, терминларнинг тобора кенг истеъмолга кириб келишига сабаб бўлмоқда. Эндиликда, ҳатто яқин ўн йил ичида ҳам фан тили ҳисобланмаган кибернетика, ахборот технология соҳалари терминлари лугати бойлиги кундалик истеъмолдаги сўзларга айланмоқда. Бунда турмуш тарзимизнинг, фан-техниканинг ривожланишини ёритишда ихтисослашган матбуотга эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Яъни халқнинг илмий салоҳиятини,

универсал билимини оширишда ихтисослашган матбуотнинг ҳам улкан ҳиссаси бор.

Барча тушунчалар ҳам терминлар билан ифодаланмайди, бироқ бирор соҳага оид матнда тушунчаларни қўллашда битта ҳодисани битта тушунча билан ифодалаш талаб этилади. Айтиш лозимки, терминлар маълум бир фаннинг профессионал асосини очиб беради. Қолаверса, фаннинг яхши ўзлаштирилганлигининг кўрсаткичларидан бири ўқувчининг профессионал лексикани эгаллагани билан белгиланади. Масалан: “Ҳозирги кунда ҳомиладор аёлларда кўп учрайдиган муаммолардан бири камқонлик хасталигидир. Анемия ёки камқонлик деганда, қонда гемоглабин миқдорининг камайиб кетиши тушунилади. Бир молекула гемоглабин кислороднинг икки молекуласини ташувчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳомиладор аёлда гипоксия (кислород етишмовчилиги) келиб чиқади.”¹⁰

Муҳаррир асар мазмуни ва у нима эвазига ўқувчилар аудиторияси учун тушунарли бўлаётганига, баёнда юзакилик ва дағаллик йўқлигига амин бўлмоғи лозим. Бошқа томондан эса матн оғир, тушунарсиз терминлар ва жумлалар билан тўлдирилмаганлигига эътибор қаратиш керак бўлади. Ихтисослашган матбуот материалларида юзакилик ҳақиқатни бузилишига, ўқувчини чалғитишга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Шунингдек, соддалик бу фақат баённи қандай келтирилиши билан боғлиқ бўлган матнни англашни осонлаштирувчи воситагина эмаслигини ҳисобга олиш керак.

Ихтисослашган материалларни нашрга тайёрлашда ундаги терминологияда нашр мўлжалланган кишиларнинг тайёргарлиги ва баён предметига қизиқиш даражасини ҳам, албатта, инобатга олиш керак бўлади. Бундай нашрлар (айниқса, тиббиёт соҳасида) фақат илмийуслуг билан

10

чекланиб қолмайди. Унда бошқа услублар белгилари ҳам кўзга ташланади. Яъни объективлик билан бир қаторда субъективлик, мантиқийлик ва аниқлик, лўндалик ва сўзлашув услуби белгилари мавжуд.

Терминларни танлаш, матнга киритиш ва изоҳлаш - соҳавий матбуотда биринчи даражадаги муаммо ҳисобланади. Одатда, янги пайдо бўлган соҳаларнинг назарий жиҳатлари ва терминологияси маълум тартибга солилмаганлиги боис мазкур муаммо чинданда долзарб аҳамият касб этади.

«Термин», «терминология» деганда кўпинча махсус лексикага оид барча сўзлар тушунилади, терминлар, профессионализмлар, профессионал арготизмлар ўртасидаги фарқ ажратилмайди. Терминларни ўрганишда, аввало терминни оддий сўздан (термин бирор тушунча ёки предметга қўшилган, эмоционал маънога эга бўлмаган махсус сўз), касб-ҳунар сўз (профессионализм)лардан ва профессионал арготизмлардан фарқлай олиш зарур.

Терминларнинг ўзи ҳам ишлаб чиқариш, саноат, илмий ижтимоий соҳаларга бўлинади. Терминларни қўллаш чегарали бўлганлиги учун ҳам терминологик луғатлардаги сўзлар 5 мингдан 20 мингтагачадан бўлади.

Биз юқорида ихтисослашган матбуот матни ва унинг таҳрири ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлдик. Ундан шундай хулосалар келиб чиқадики, ахборотни мутахассис ёндошуви асосида ўрганиш ва уни тушунарли қилиб тил воситалари орқали ифодалаш катта аҳамиятга эга.

II БОБ. ТИББИЁТ СОҲАСИГА ОИД НАШРЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАҲРИРИ

2.1 . “Шифо-инфо” ва “Ташхис” газеталари материалларида мавзу кўлами, тил, услуб ва журналист маҳорати

Юртимизда тиббиёт соҳасини тубдан яхшилаш, фуқаролар саломатлигига хизмат қилувчи соҳаларни тубдан ислоҳ этиш борасида кэнг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада аҳолининг касалликларга чалиниши сезиларли даражада камайди. Ўртача узок умр кўриш 66 ёшдан 73,5 ёшга этганининг ўзи ҳам сўзимизнинг исботидир.

Қолаверса, бу юртдошларимизнинг тиббий маданияти янада ошаётганлигини ҳам билдиради, Бу жараёнларда оммавий ахборот воситаларининг аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга салмоқли хисса кўшаётганини таъкидлаш керак. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда тиббий нашрлар сони анча ортгани кузатилади.

Гап инсон саломатлиги, унинг тиббий маданиятини янада юксалтириш ҳақида кетар экан, бу мавзунини ёритиш борасида айрим камчиликлар мавжудлигини баён қилиш ҳам ўринлидир. Маълумки, тиббиётга оид терминларни ҳамма бирдек тушунавермайди, чунки ўқувчи уни тушуниши учун ана шу соҳа мутахассиси бўлиши керак. Зеро, тиббиёт мавзусини ёритадиган газета ва журналлардаги чоп этилаётган материалларда соҳага оид термин ва ифодаларга кўзимиз тушади. Шу боис уларни муштарийларга тушунарли тилда етказиш шу соҳага ихтисослашган журналистлардан катта маҳорат ва билимни талаб этади. Соҳани яхши билган журналист томонидан ёзилган мақола ва суҳбатлар жонли, шунингдек тушунарли бўлади . Аввало, “Шифо-инфо”, “Ташхис”, ”Доктор-пресс”, ”Шифокор”, “Дармон”, “Сихат–саломатлик” каби бир қатор тиббиётга оид нашрларда чоп этилаётган мақолалар ўқувчиларга маъқул бўлаётганини эътироф этиш лозим.

Шунингдек, бошқа хусусий газеталар ҳам саломатлик саҳифалари билан ўқувчиларни ўзларига жалб этиб келишмоқда. Уларда халқимиз учун зарур маслаҳатлар, тавсиялар тиббиёт янгиликлари мунтазам чоп этиб борилмоқда.

“Шифо-инфо” ва “Ташхис” газеталари тиббиёт соҳасига оид нашрлар ҳисобланади. Шу сабабли уларни бир-бирига рақобатдош газеталар сифатида ўрганишимиз мумкин. “Шифо-инфо” газетаси тиббий–маърифий, ҳаммабоп газета ҳисобланиб, унинг бош муҳаррири Шароф Бошбеков.

Газетанинг доимий шиори: “Бетоб бўлмасдан соғлиқни ғанимат бил”. Газета 2004-йилдан бошлаб, “ПРАВО-ПРЕСС” МЧЖ муассислиги остида чоп этилади. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006-йил 22-декабрда 0069 рақам билан рўйхатга олинган. Адади 40000 минг атропофида.

Газетанинг интернет манзили: Е-маил: Шифо-инфо@ олам.уз. Интернет сайти www.Шифо-инфо.уз сайти. Газетанинг бадий-техник дизайни: кўпроқ яшил рангдан фойдаланилган. Газета логотипи сифатида мойчечак гули берилган. Нашр муқовасида ўша сон материаллари анонси берилади. Газетанинг ўзига хос жиҳатларидан бири таҳрир ҳайъати аъзолари билан батафсил таништирилади. Улар тиббиёт соҳаси мутахассислари ҳисобланади.

Газетада турли хил етакчи мавзу рукни остида айнан бир касаллик тўғрисида тўлиқ маълумот бериш билан биргаликда, табиий воситалар ва улардан фойдаланиш усуллари берилади. Газетанинг иккинчи саҳифасида эса “Тиббиёт янгиликлари” билан доимий таништириб борилади. Унда тиббиётга оид янгиликлар ва қисқа маълумотлар берилади. Масалан, газетанинг 2013-йил 41-сонида “Замонавий крассовкалар бўғимлар учун зарарли”, “Чипслар бола миясини сустлаштиради”, “Хуррак глаукомага олиб келади”¹¹ каби қизиқарли маълумотлар берилган.

¹¹ // Шифо-инфо, 2013 йил 10-16 октябрь, 41-сон. 2-бет.

Газетанинг 3-саҳифасида эса “Врач қабулида” номли доимий руқн сифатида ҳар сонда берилади. Унда мухлислар томонидан саволлар йўлланади ва саволларга олий тоифали шифокорлар жавоб беради.

Газетанинг 4-5 саҳифаларида эса “Етакчи мавзу“ руқни берилган. Унда ҳам мухлислар саволига жавоб берилади. Ҳар сониди маълум бир касаллик ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Масалан, “Чақалоқлар Сепсисси қандай касаллик?”¹², “Жигарни ёғ босса кўриладиган даво чоралари”¹³ каби бир қатор касалликларга олий тоифали шифокорлар жавоб беради.

Соҳага оид матбуот нашрлари жамиятнинг муайян тармоқ ёки соҳасини ёритишга, унда бўлаётган янгилик, ўзгариш ва ислохотларни оммага таништириб боришга, шунингдек ўқувчиларнинг шу соҳа билан боғлиқ ахборотга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилади. Соҳага оид матбуот нашрлари омманинг маълум бир гуруҳи ёки аудиториясини қамраб олган бўлиб, ундаги маълумотлар оммага эмас, кўпроқ шу соҳа вакилларига мўлжалланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бундай нашрларда мазкур соҳага оид атамалар – сўзлар, бирикмалар, иборалар, қисқартма ва атоқли отларнинг кенг қўлланилиши кузатилади. Шунингдек, ушбу турдаги нашрларда уларнинг услуби ҳам етказилаётган ахборот мазмуни ҳамда унинг аудиторияси нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Нашрнинг умумий табиатига кўра материаллар услуби фарқланади. “Шифо-инфо” газетасида ҳам юқорида санаб ўтилган хусусиятларни учратишимиз мумкин.

Газетада фақатгина тиббиётга оид эмас, балки диний-маърифий мавзуларда ҳам материаллар бериб борилади. Материалларнинг мавзу кўлами кэнг бўлиб, яхши ёритилган, бунда тарбиявий жиҳатга ҳам кўп

¹² Муҳаммадиев С. Чақалоқлар сепсисси қандай касаллик? // Шифо-инфо, 2013 йил, 39-сон. 4-бет

¹³ Соипова Г. Жигарни ёғ босса... // Шифо-инфо, 2013 йил, 41-сон. 4-бет

эътибор берилган. Масалан, “Аёл шаънини топтаган аёл”¹⁴ номли мақолада аёлларнинг худди ўзини эркаклар қаторига кўшиб, бирга ароқ ичиши ва шунга ўхшаш мавзулар ёритиб борилади. Бу мавзуга оид масалаларга масжид имом хатиби жавоб беради. Газетанинг пастки қисмининг ҳар бир саҳифасида эпиграф сифатида турли мавзудаги афоризмлар, мақоллар, ҳикматли сўзлар бериб борилади. Бу саҳифанинг ҳар сонидида турли мавзудаги мақолалар берилади. Масалан, газетанинг бу сонидида ”Шаръий никоҳдан ўтиш одоблари”, “Фолбинлик ҳаром ва куфрдир”, “Арвоҳ капалак афсонами ё ҳақиқат?”¹⁵ каби бир қатор мақолалар чоп этилган. Бу саволларга кўпроқ Имом хатиблари жавоб беради. Бу газетанинг ютуқли жиҳатларидан биридир.

Газетанинг 6-саҳифасидан жой олган материаллар “Иймон шифоси”, “Қалб шифоси” рукнлари остида бериб борилади. Тиббиётга оид мақолалардан ўқувчи ўзига керакли маълумотларни олади. “Қабристонларни тозалаш савобли амаллардан”, “Меҳмондўстликнинг фазилатлари”¹⁶

Доимий равишда бериб бориладиган рукнлардан бири “Руҳият бекати” рукнидир. Бу рукн газетанинг 7-саҳифасида чоп этилади. Унда тиббиёт фанлари номзоди Абдукарим Усмонхўжаев инсоннинг ички хислатлари, кечирмалари ҳақида психологик жиҳатдан жавоб беради. Масалан, “Қалб гўзаллигига эришишнинг завқли усули”¹⁷, бунда асосан қалбни поклаш, гўзалликка эътибор бериш кераклиги ҳақида маълумот беради. Бу материални ўқиб, бошқа сонларида эса “Ботиний онг - руҳиятимиздаги қудратли куч”, “Магнитизм ҳодисаси ёхуд одамларда илиқлик уйғотиш” каби бир қатор мавзуларда мақолалар берилган. Газетанинг 8-10 саҳифасида эса

¹⁴

¹⁵ Қодиров Х. Арвоҳ капалак афсонами ё ҳақиқат? // Шифо-инфо, 2013 йил, 39-сон. 6-бет

¹⁶ Мусабоев Ш. Меҳмондўстликнинг фазилатлари//Шифо-инфо, 2013 йил, 14-сон. 6-бет

¹⁷ Усмонхўжаев А. Қалб гўзаллигига эришишнинг завқли усули//Шифо-инфо, 2013 йил, 41-сон. 7-бет

“Учрашув” рукни остида бирор бир шифокор ёки бошқа шахслар билан интервью берилади. Бунда ҳам сиҳат-саломатлик хусусида саволлар берилади.

Кейинги саҳифасида эса кичик маслаҳатлар билан биргаликда реклама, яъни “Адолат кўзгуси” ҳуқуқий газетаси материаллари анонслари билан таништириб ўтилади. 10-саҳифасида эса доимий равишда “Ҳуқуқий дарсхона” рукни остида “Шифо-адвокат” саҳифаси берилади, унда мухлисларни қизиқтирган бир савол бўйича ҳуқуқшунос жавоб беради. Кейинги саҳифасида эса бирор бир касаллик ва унга даво чоралари ҳақида мутахассис маслаҳат беради. Газетанинг 13-саҳифасида эса “Ҳар бир кунимиз ўрганишлар билан бойиди” рукни остида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишади.

“Узоқ умр сирлари” рукни доимий рукнлардан ҳисобланиб, бу саҳифани доимий равишда интернет маълумотларига таяниб Нодира Тўраева тайёрлайди. Бу саҳифанинг ютуқли жиҳати шундан иборатки, инсоният неча замонлардан буён ўзини қийнаётган биргина жумбоққа жавоб излайди; киши қандай яшаса узоқ умр кўриши мумкин.

Кейинги 14-15 саҳифаларида эса “Махсус рукн” ёш болаларни парвариши ва соғлиги ҳақида маълумот беради. “Истеъдод” рукни эса иқтидорли ёшлар ҳақида бўлиб, унда бола туғилиши биланок унинг тарбияси билан биргаликда келажакда нимага қизиқиши, қайси соҳага йўналтирилиши, шунингдек бола тарбиясида онанинг роли, вазифаси хусусида маълумот беради.

“Шифо-инфо” газетасида яна доимий равишда “Ёш оналар мактаби” рукни мавжуд. Бу рукнда ҳали 1 ёшда тўлмаган болалар парвариши ҳақида ёш оналарга маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатилади.

“Спорт ва саломатлик“ рукни мунтазам бериб борилади ва бу рукн остида “Харакат дори ўрнини босади”¹⁸ сарлавҳали мақола берилган. Унда асосан, спортнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ва қайси касаллик билан оғриган бемор қандай спорт тури билан шуғулланиши мумкин ёки мумкин эмас деган саволларга жавоб берилади.

Газетанинг доимий саҳифаларидан бири “Табиб бўлса беғубор, танага дори не даркор” рукни остида эса “Бошга тушган табиб” саҳифаси доимий равишда бериб борилади. Унда таҳририятга келган хатлар бўйича маслаҳатлар берилади. Бу саҳифада халқимиз орасида синалган тиббиётга оид амаллар, тажрибалар мисол қилиб берилади. Масалан, ич кетишига қарши ўзимизда етиштириладиган жийда даво чораси сифатида берилади. “Қон босимида данакнинг фойдаси”, “Бўғимларни кир совун билан даволаймиз”¹⁹, “Дарё лойи кони фойда”, “Ҳашорат чакқанда баргизуб шифо беради”, “Ёнғоқ пўсти гижжаларга қарши”²⁰ номли сарлавҳалар остида материаллар бериб борилади. “Сўраган эдингиз” рукни ҳам мунтазам бериб борилади. “Билим ҳамшира бошини тик, калбини пок қилади” рукни остида “Шифо-ором” номли сканворд берилади²¹. Сканворд тепасида эса кичик афоризмлар берилади. Масалан, “Халқ давоси –ҳақ даво”, “Саломатлик озодалик билан ёнма-ён юради” каби²².

Газетанинг 22-саҳифасида эса доимий равишда “Фикр зукколикнинг мевасидир рукни остида сканворд берилади. Газетанинг ўрта қисмида эса 8 саҳифадан иборат китобча берилади. Унда айнан бирор бир касаллик ҳақида тўлиқ маълумот берилади. 31-саҳифада эса “Элга хизмат - олий ҳиммат” рукни остида эса кўп тармоқли “Доктор-Д” госпитали ҳақида рекламаси

¹⁸ Умарова З. Харакат дори ўрнини босади//Шифо-инфо, 2014 йил, 7-сон. 15-бет.

¹⁹ //Шифо-инфо, 2013 йил, 39-сон. 19-бет

²⁰ //Шифо-инфо, 2014 йил, 15-сон. 18-бет

²¹ //Шифо-инфо, 2014 йил, 15-сон. 21-бет

²² //Шифо-инфо, 2013 йил, 27-сон. 15-бет

хамда клиника ҳақида тўлиқ маълумот берилади. Айнан шу саҳифанинг ўзида “Билимга олам кенг” рукни остида рекламалар билан биргаликда ҳар сониди бериб бориладиган бошқотирмаларнинг жавоблари, саҳифанинг пастки қисмида эса латифа ва афоризмлар берилади. Масалан, “Биргина эзгулик бу - билим, биргина ёзувлик билимсизликдир”.

Газетанинг 33-саҳифасида махсус рукнлар бериб борилади. Унда “Билиб қўйган яхши”²³, “Касалликнинг олдини олган афзал”²⁴, “Сўраб ўрганган олим” каби рукнлар жой олган. Масалан, “Билиб қўйган яхши” рукни остида “Дори- дармонлар қандай ичилади” сарлавҳали материал бериб борилади, унда тагсарлавҳа билан биргаликда фотосуратлар ҳам берилади. Дорини қачон ва қай пайт, овқатдан олдин ёки кейин ичилса мақсадга мувофиқ бўлади, қайси дорининг таркибида қандай моддалар мавжуд, улар инсон организмига қанча пайтда сўрилади каби саволларга олий тоифали доришунослар жавоб беради. “Касалликнинг олдини олган афзал” сарлавҳали мақолада беморга биринчи ёрдам кўрсатиш ҳақида маълумот берилади. Масалан, стенокардияда биринчи ёрдам қандай кўрсатилади, хуруж қилганда биринчи ёрдам кўрсатиш билан биргаликда, хуружнинг олдини олиш мақсадида халқ табобатини бу касалликларда қўллаш мумкинлиги ҳақида сўз боради. Газетада 2014-йилдан махсус рукн “Сўраб ўрганган олим” рукни остида “Мухаррирга саволим бор...”²⁵ сарлавҳали мунтазам бериб борилади. Унда газетанинг ҳар суперсониди таҳририятга келаётган газета фаолияти ҳақидаги саволларга бош муҳаррир Шароф Бошбеков жавоб беради. Шу билан биргаликда муҳаррир ўзининг фойдали маслаҳатларини ҳам беради.

²³ //Шифо-инфо, 2013 йил, 41-сон. 48-бет

²⁴ //Шифо-инфо, 2013 йил, 41-сон. 33-бет

²⁵ //Шифо-инфо, 2014 йил, 15-сон. 33-бет

Газетанинг 2013-йилдаги сонларининг 34-35 саҳифаларида “Мўъжизага тўла олам“ рукни бериб борилар эди. Унда “Узоқ умр сирлари”²⁶ сарлавҳали мақолада узоқ умр кўришда феъл-атворнинг юмшоқ, вазмин бўлиши, ўз вақтида овқатланиш, озодаликка риоя қилиш ва танани ортиқча нарсалардан тозалаш, қадди-қоматни тўғри тутиш, бурун орқали нафас олиш, кийимнинг танага мослиги, жисмоний ҳамда рухий ҳаракатларнинг бир-бирига уйғунлиги, тўйиб ухлаш ва ўзини тетик тутишга алоҳида эътибор беришни маслаҳат беради. 2014-йилда бу рукн номига ўзгартириш киритилиб, у “Табиат инъомлари”²⁷ номи остида мунтазам бериладиган бўлди. Рукнда “Ҳаммаси сув ҳақида”, “Табиатнинг бошқа мўъжизаларининг фойдали хусусиятлари” каби мавзуларда материаллар берилади. Унда сувни замонавий филтрлаш, сувни қандай ҳолатда ичган маъқул, фойдали сувлар қандай сувлар, ёш болаларга сувни қай ҳолатда берган маъқул каби саволларга жавоб топишимиз мумкин. Бу маълумотлар интернет материаллари асосида тайёрланади.

Газетанинг 36-37-38-39 саҳифаларини “Адабиёт дарчаси”²⁸ рукни остида бериладиган материаллар ташкил қилади. Бу рукнда таниқли ёзувчиларимизнинг ҳикоялари, асарлари бериб борилади. Шу билан биргаликда “Жаҳон адабиёти хазинасидан” рукнида Адам Жексоннинг “Бахтли бўлишнинг 10 сирини”²⁹ асари ҳар сонидо доимий равишда берилади. Газета фақатгина тиббиётга эмас, балки қизиқарли асарлар, фикрлашга чорлайдиган афоризмлари билан ўқувчиларни ўзига жалб қилади. Газета саҳифаларининг юқори ва пастки қисмларида рукнларга мос афоризмлар, мақоллар доимий равишда берилади. Масалан, “Инсон фикри чексиз

²⁶ //Шифо-инфо, 2013 йил, 41-сон. 34-бет

²⁷ //Шифо-инфо, 2014 йил, 15-сон. 34-бет

²⁸ //Шифо-инфо, 2013 йил, 35-сон. 36-бет

²⁹ //Шифо-инфо, 2014 йил, 15-сон. 36-бет

қобилият манбаи”, “Ҳаётда ўрадан чиқиб олишингизга ёрдам берувчи қўллар кўп”, “Ароқхўрлик бир стакан майдан бошланади”, “Дўст бўлишга аҳд қилгач, унинг камчиликларига аҳамият бермаслик лозим ”, “Ҳар қандай муносабатларда муаммолар ва ўзгача қарашлар мавжуд”, айниқса “Болангизнинг ўйинчоғини йиғиштирмасангиз, ерингизнинг ивирсиганини тозалай олмайсиз”³⁰ каби афоризмларда инсонни фикрлашга ундайдиган ва хулоса чиқарадиган фикрлар берилган. Бу газетанинг ютуқли жиҳатиларидан бири ҳисобланади.

Газетанинг 40-саҳифасида эса турли мавзудаги рукнлар берилади. Масалан, “Саломатлигингиз ўз қўлингизда” рукнида эса реклама сифатида Бубновский Кинезитерапия маркази ҳақида маълумот бериш билан биргаликда маслаҳатлар берилади. 41-саҳифада ҳам “Реклама-муваффақият калити” рукнида остида Шифобахш папоаянинг таъсир доираси” ёки АМПЛИ 5нинг фойдали хусусиятлари ва электрон манзиллари берилади. 42-саҳифада “Бола бошидан- билим ёшидан” рукни остида “Ширинтой” саҳифаси берилади, унда номига мос равишда ёш болалар учун мўлжалланган турли бошқотирмалар, албатта суратлари билан билан биргаликда, топишмоқлар, болалар томонидан юборилган суратлар тақдим этилади. Пастки қисмида эса қисқача эълонлар берилади. 43-саҳифа эса аёлларимиз учун мўлжалланган бўлиб, “Тўзаллик салтанати” рукни остида “Ораста” саҳифаси жой эгаллайди. Унда юз ва сочлар учун фойдали бўлган турли хилдаги ниқобларни беришади, уларни уй шароитида тайёрласа ҳам бўлади. Кейинги саҳифада асосан рекламалар бериларди. Турли хилдаги мавсумий касалликлар, яъни баҳор ва кузда кўзғаладиган аллергияларнинг олдини олиш мақсадида дорилар тавсия этишади. Газетанинг 45-саҳифасида эса “Саломатликка эътибор-ўзимизга эътибор”, “Саломатлигимиз-

³⁰ //Шифо-инфо, 2013 йил, 39-сон. 37-бет

бойлигимиз” каби рукнлар мунтазам берилади. Масалан: “Сколиоз- умуртқа хасталиги” ҳақида.

- Сколиоз қандай касаллик?

- Идиопатик сколиз кўпроқ нималарда учрайди?

- Турлари ва сабаблари

- Болаларда сколиоз аломатлари

- Касалликни даволаш каби бир қатор масалалар кўрилади ва бу касалликларни даволаш учун турли манзиллар кўрсатилади. 46-саҳифада эса “Саломат бўлинг” ёки “Малакали ёрдам - саломатлик кафолати” каби рукнлар берилади, унда сарлавҳа билан биргаликда таг сарлавҳа ҳам берилади. Масалан, сурункали гепатит ривожланишига қўл қўйманг, гипогликемик кома олди ҳолати ёки ЭКГ- юрак қон-томир касалликларини ташхислашнинг асосий усули каби бир қатор касалликлар ҳақида тўлиқ маълумотлар билан биргаликда уларнинг олдини олиш чоралари тўғрисида олий тоифали шифокорлар маълумот беради. Газетанинг ҳар саҳифасининг пастки қисмини кичик эълон ва рекламалар эгаллайди. 47-саҳифада ҳам саломатлик тўғрисида маълумот беради.

48-49 саҳифаларда эса таҳририятга келган хатларга қараб, мавзу танланади. Масалан, эркаклар саҳифасида мухлислар томонидан юборилган эркаклар касалликларида физиотерапия муолажалари мумкинми? Ортиқча вазн: ундан қандай қутулиш мумкин? каби саволларга тиббиёт доктори, уролог, андролог, репродуктолог Дилмурод Эргашев жавоб беради. 50-саҳифасида эса “Шифобахш дастурхон” рукни берилади. Унда инсон учун фойдали бўлган тамоларнинг тайёрланиш жараёни берилади .

51-саҳифада эса “Кулинг, умрингиз узоқ бўлади” рукни остида “Кулгитерапия” саҳифаси берилади. Унда тиббиётдан четлашмаган ҳолда шифокорлар ҳақидаги латифалар берилади ва пастки қисмида қисқа тарзда

анонслар берилади. Охирги саҳифада эса “Кулги ақл қиёфасидир” рукнида энг чиройли табассум саҳифаси берилади. Унда газетанинг электрон манзилига мухлислар томонидан чиройли табассум соҳиблари ўзининг суратини юборади ва танловда иштирок этади. Энг чиройли табассум соҳибига газетада махсус совға билан тақдирланади. Газетанинг охирги бетида эса “Кулгитерапия” ёки “Энг қувноқ болакай”лар суратлари билан якунланади.

“ТАШХИС” газетаси. “Ташхис” газетаси тиббий-маърифий газета бўлиб, 2007- йилдан буён “Евгений-пресс сервис” масъулияти чекланган жамияти муассислигида чоп этилади. Бош муҳаррир Анвар Қораев.

Газета А4 форматда чоп этилади. Адади 15 минг атропофида. Газетанинг доимий шиори “Соғлигингиз- бойлигингиз”. Газетанинг муқоваси ва ичидаги баъзи саҳифалар илгари ҳам рангли чиқар эди. 2014-йилдан бошлаб, газета муқоваси глянцовўй кўринишда чиқа бошлади. Газета шапкасидан газетанинг номи, шиори, сони ва эмблемаси ўрин олган. Фон сифатида қизил рангдан фойдаланилган, логотипи сифатида кунгабоқар гули берилган. Муқовасида ранглардан унумли фойдаланилган. Газета муқовасида жорий сондаги асосий материаллар анонслари ҳам бериб борилади. Газетанинг 2-саҳифасида мунтазам “Фотофакт” рукни доимий рукнлардан бири ҳисобланади. Бу рукн 2014- йилдан бошлаб киритилди, бу ҳам аудиторияни ўзига жалб қилишда қўл келади. Газетанинг 3-саҳифаси тиббиёт янгиликлари учун ажратилган. Унда тиббиётга оид янгиликлар, содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар мунтазам ёритиб борилади, унда ўқувчини ўзига жалб қила оладиган янгиликлар ҳам бор. Масалан, газетанинг 2014-йилдаги 5-сониди чекишга қарши вакцина чиққанлиги, ўтириб ишлашнинг ҳам фойдаси борлиги, футболнинг ҳам озишга ёрдам бериши каби қизиқарли

маълумотларни кўришимиз мумкин. Газетанинг 4-5-6 саҳифаларидан “Шифокор қабулида” рукни жой олган.

Газетанинг 7-8-9 саҳифаларида мавсумий рукнлар берилади. Масалан, унда 9-феврал Алишер Навоийнинг таваллуд топган кунига бағишлаб “Навоийни қийнаган касаллик” сарлавҳали материал берилган. Унда Навоийнинг ёшлиги ва сўзни қай даражада ишлатиш ўрни, яъни сўз сеҳри хусусидаги фикрлар берилган. Ёки “Саломатлик сабоқлари” рукни остида “Боламнинг иммунитетни паст”, “Менга ёрдам беринг” сарлавҳалари остида материаллар бериб борилади. Унда доимгидек бола саломатлиги тўғрисида маълумотлар берилади. Бу рукндаги материалларда ички сарлавҳалар ҳам мавжуд. Масалан, “Иммунитетни қандай кўтарамиз?”, “Сабабини аниқлаб даволаймиз” каби сарлавҳалар билан биргаликда наъматакнинг ҳам фойдали жиҳатлари келтириб ўтилган.

Газетанинг ҳар сонидида 10-11 саҳифаларида “Сўраган эдингиз” номли рукни доимий равишда берилади. Унда мухлислар томонидан ўзини қизиқтирган саволлар йўлланади. Масалан, “Учуқ ҳомила учун зарарми?”, “Ошқозон оғриғи невроз билан боғлиқми?” , “Ўрнини ҳўллаб қўйиш 5 ёшгача одатми?”, “Тошларни жарроҳликсиз йўқотиш мумкинми?” ёки “Қийшиқ бачадонни тўғрилаш мумкинми?” ва шунга ўхшаш саволларга олий тоифали шифокорлар жавоб беради.

12-13 саҳифаларда эса “Бошидан ўтган табиб” рукни доимий равишда бериб борилади. Бу саҳифада ҳар хил касалликлар тўғрисида мухлислар бошидан ўтган ва унга қандай даво чоралари қўллаганликларини таҳририятга юборишади энг муҳими буларнинг барчасини уй шароитида қўлласа бўлади. Уларни мутахассислар томонидан кўриб чиқилиб, кейин газетада чоп этилади.

14-15-16 саҳифаларда “Соғлом авлод”, “Аёллар саломатлиги” рукнлари берилади. 2014-йил - Соғлом бола йили муносабати билан бу саҳифани болалар саҳифаси деб атасак ҳам бўлади. Чунки боланинг туғилганда, чўмилтиришдан тортиб, 1 ёшга қадар қандай парвариш қилинади, бола эмизиб боқилса касалликка кам чалинади, тўғри парваришланса бола тетик ўсади. Кейинги сонларида эса боланинг ёши улғайгани сари уларда учрайдиган касалликлар, масалан, болалардаги миопия ва у қандай касалликлар, асосий сабаби нимада каби саволларга жавоб излайди. Энг муҳими, уларнинг олдини олиш ва касалликдан қандай қутулиш сабаблари изланади.

Аммо ахборот (янгилик)ка берилган таърифларда масаланинг айна мана шу жиҳатига кўпинча эътибор берилмайди. Амалиётда ҳам журналистлармизнинг кўпчилиги ахборотнинг замон ва макон билан боғлиқлиги (булар ахборот манбаини ҳам кўрсатади) истеъмол аҳли учун муҳим аҳамият касб этишига беъэтибордирлар.

Газета материалларининг муштарийга қизиқарли эмаслиги ҳам умумзамонга хос, аён манбага эга бўлган, вақт ва макондан ташқаридаги азалий муаммоларни, сийқаси чиққан мавзуларни такрорлашдан келиб чиқади.

“Аёллар саломатлиги” рукнида эса аёлларда учрайдиган касалликлар, яъни остеопороз оғриқлари, касаллик қандай ривожланиши, бу дардга етакловчи омиллар қайсилар каби ички сарлавҳалар ҳақида батафсил маълумот берилади. Бу касаллик туфайли аёлларнинг елкаси бўртиб чиқиб қолади. Бу саволларга Умида Рустамова, Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти Рентгенодиагностика бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди жавоб беради. “Соғлик мезони” рукнида эса айнан бир касаллик хусусида шу касаллик хусусида батафсил маълумот берилади.

Масалан: Жигар хасталанишига нима сабаб бўлади? Жигар касалликларининг сабаб ва оқибатлари тўғрисида тиббиёт фанлари доктори, профессор Машхура Зоҳидова билан суҳбат олиб борилади.

Газетанинг 17-саҳифасида “Саломатлик сабоқлари”, “Сўраган эдингиз” рукнларида мухлислар томонида юборилган саволларга мутахассислар жавоб беришади. “Билиб қўйган фойдали” рукнида эса бўтқанинг семиришга йўл қўймаслиги, яъни бунда бўтқани семиришга мойил кишилар ҳам бемалол истеъмол қилишлиги, сув танқислиги мия қуришига олиб келиши мавзуидаги материаллар ўрин олган. Шунингдек, рукнда ош тузи ҳақида 9 та фактдан иборат маълумотлар берилади.

“ПР-мақола” рукнида замонавий ташхислашда МРТнинг аҳамияти, МРТ қачон қўлланади? каби саволларга Бабаев Музаффар Абдумаликович “НДС-МЕДИК” клиникасининг шифокор-радиологи, 1-тоифали шифокор тўлиқ таништириб ўтади.

18-19 саҳифаларида “Маслаҳат беринг” рукни остида доимгидек мухлислар томонидан юборилган саволларга мутахассислар жавоб беради. Газетанинг ҳар сонидида пастки қисмида рекламалар жой олган. 20-21-28-29 саҳифаларда эса “Соғлом авлод”, “Ёш оналар мактаби”, “Аёллар саломатлиги” каби рукнлар бериб борилади.

2014-йил Соғлом бола йили муносабати билан туғилаётган фарзандларнинг соғлом бўлиши учун Ёш оналар мактаби, соғлом авлод саҳифалари мавжуд. Уларда масалан туғма бўйин қиушиқ бўлишлигидан оғох бўлинг бу билан улар бола туғилмасиданок яни она қорнида паутиданок тўғри парвариш қилиш ёки бола туғилаётган вақтдаги шикастлар эътиборсизлик натижасида салбий оқибатларга олиб келишнинг олдини олади. Боғча мактаб ёшидаги болаларда хотирасизлик ёки бола хотираси қандай мустаҳкамланади каби саволларга экспорт олий тоифали шифокор-

невропатолог, доцент Дилором Нурматова жавоб беради. Газетанинг ҳар сонидида ҳар хил мавзулар ҳақида ўзининг тегишли шифокорлари жавоб бериб боради.

“Аёллар саломатлиги” рукнида эса аёлларда касалликлар ҳақида маълумот беради. Масалан, климакс ҳақида ҳам маълумот беради. 1-республика клиник шифохонаси урологи, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Назир Алижонов пешоб тутолмаслик: руҳий толиқишлар, уларга сабаб бўладиган жиҳатлар, касалликнинг даво чоралари ҳақида ўзининг фикрлари ва маслаҳатларини бериб ўтади. 22-саҳифада “Биринчи ёрдам” рукни остида “Бир инсон ҳаёти кўлингиздадир” сарлавҳали материал берилиб, унда ички сарлавҳалар ҳам мавжуд. “Билиб қўйган яхши” рукнида ёнимиздаги бирон киши шикастланса ёки жароҳат олганда, унга биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари, шу пайтда беморга нима мумкин, нима мумкин эмаслиги ҳақида ўргатилади. “Ўсмирлар саломатлиги” рукнида эса бугунги кунда ўсмирларда кузатилаётган муаммолар, айниқса, ҳозирги кунда соч тўкилиш муаммолари, қазғоқ замбуруғдан азият чекаётган ёшларимиз учун улардан қутулиш чоралари билан биргаликда бир талай фойдали маслаҳатлар бериб борилади.

24-саҳифада “Ҳуқуқ ва саломатлик” саҳифаси берилган. Унда кишлоқдаги врачларга имтиёзлар билан биргаликда мухлислар томонидан йўлланган саволларга жавоб бериб ўтилади. 26-27-28-29 саҳифаларида такрорланиб келувчи аёллар касалликлари ҳақида маълумот берилади. Баъзида махсус рукн, яъни кун мавзулари ҳам берилади. Унда ҳаётга хавф солувчи дард, яъни 4-феврал - Халқаро саратонга қарши кураш кунига бағишлаб, унинг салбий оқибатлари ҳақида сўз юритади. Бу газетанинг ўзига хос ва ютукли жиҳатларидан биридир. 30-саҳифада “Мулоҳаза”, “Маънавият сабоқлари” рукнлари берилади.

“Мулоҳаза” рукнида эрта никоҳ фарзанд саломатлигига хавф солади, яъни оила - муқаддас даргоҳ, халқимиз бу қўрғонни барпо этиш билан боғлиқ барча жиҳат ва жараёнларга жиддий эътибор. Бундан йигит ва қизнинг никоҳ ёши ҳам мустасно эмас, албатта. Шу боис юртимизда соғлом оила барпо этиш, ёшларни, айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бобга хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар иккала газета нашри ҳам ўзига хос услубига эга. “Шифо-инфо” газетасидаги материаллар тили бирмунча соддароқ ва ўқувчига тушунарсиз бўлган термин ва ифодалар камдан-кам учрайди. “Ташхис” газетасидаги рукнларга назар ташласак, бу йилги сонларида “Соғлом бола йили”га бағишланган материаллар кўп. Лекин ҳар иккала газетада ҳам бир хилдаги рукнлар бор. Лекин материаллари ҳар хил. Масалан, “Сўраган эдингиз”, “Бошидан ўтган табиб” кабилар.

2.2. “Шифо-инфо” ва “Ташхис” газеталари материаллари таҳлили ва таҳрири

Фикримиз аниқ ва равшан бўлиши, аввало, сўздан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Сўзни ўз ўрнида тўғри ишлата билиш учун унинг лексик маъносини англаш зарур.

Ҳар қандай сўз пайдо бўлишидаёқ ўз шакли ва маъносига эга бўлади. Бошқача айтганда, ҳар қандай сўз шакл ва маъно бутунлигига эгадир: ҳаво, олма, яхши, хурсанд ва ҳоказо. Сўзнинг объектив борлиқдаги нарса, белги, ҳаракат кабилар ҳақидаги маълумоти лексик маъно дейилади. Шу ўринда сўз

нима деган савол туғилади? Сўз – лингвистик термин. Товуш ёки товушлардан иборат, бирор маъно билдирувчи нутқ бирлиги, гап бўлаги.³¹

Кейинги пайтларда ўзбек тилининг тараққиёти, адабий тил нормалари, она тили грамматик қонун-қоидаларидан ўринли фойдаланиш, сўз, сўз шакллари, ибора синтактик қурилмаларни услубий жиҳатдан онгли равишда баҳолаш, фикрни мақсадга мос ва зарур шаклда шакллантириш, уни аниқ, ихчам ва таъсирчан қилиш малакасини ҳосил этишга ўргатувчи ва шу орқали нутқ маданияти ҳамда таҳрир малакасини оширишга фаол таъсир кўрсатувчи сўз масъулияти каби масалаларга жиддий эътибор қилинмоқда.

Сўзга муносабат ўзига хос кенг қамровли узлуксиз давом этадиган жараён. Тилимиздаги ҳар қандай ўзгаришга муносиб баҳо бериш асосий вазифа бўлиб, бу ўринда қалам соҳиблари, журналистларнинг фаоллиги, айниқса зарур. Журналистларнинг тилдан фойдаланиш маҳоратларини ўрганиш, хусусан, ихтисослашган матбуот тили маданиятини оширишга хизмат қилади. Ҳозирги кунда ихтисослашган матбуот нашрларида тилдан фойдаланиш соҳасида муайян ютуқларга эришиш катори айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Эътиборсизлик, тил қоидаларига амал қилмаслик оқибатида матбуот тилида камчиликлар учрамоқда. Қуйида ишимизнинг объекти бўлмиш “Шифо-инфо” ва “Ташхис” газеталари материаллари таҳрири билан танишиб чиқсак: Ушбу нашрда асосан тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, аҳолининг саломатлиги, турли хил касалликлар ва уларни даволаш чора-тадбирлари, тиббиёт соҳасига оид Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар, шунингдек, соҳадаги юртимизда ва дунёда рўй бераётган янгиликлар ҳақида сўз юритилиб келинади. Биз ушбу

³¹ Мухсимов А., Мирзаева Н. Ҳар сўзнинг ўрни бор //Тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари (XXI сон). – Т.: ТДЮИ, 2010. 149-б.

нашрларнинг бир нечта сонларини ўрганиш орқали уларда таҳрир ишларига алоҳида эътибор қаратилганлигига амин бўлдик.

Масалан, “Шифо-инфо” газетасининг 2013 йил 34-сонидаги 2-саҳифасида “Қаҳва истеъмол қилган сичқон болалари қаҳва истеъмол қилмаганларига қараганда” деган жумлалар келтирилади. Интернетдан сўзма-сўз ўгирилган бу жумлалар назаримда, “Қаҳва бериб тажриба ўтказилган сичқончалар” дейилса тўғрироқ бўларди. Нашрлар қайсидир маънода ўз олдига қўйган вазифаларни уддалаётганини ҳам таъкидлаш лозим, бироқ журналистларнинг бу мавзуга қўл урган материаллари бир қатор камчиликлардан ҳоли эмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз. Интернетдан олинган материалларни таржима қилиш жараёнида оддий газетхонга тушунарли жумлалар тузишда, гапнинг маъносини англашда кўпроқ хатоликлар учрайди.

Газетанинг 15-сонида “Таҳририят лойиҳаси” рукни остида “Акушер-гинеколог бепул консультация кунидан репортаж”³² сарлавҳали материали чоп этилган. Материал кириш қисмида аёлларга бағишланган тўрт мисра шеър ўрин олган. Репортажнинг тили оммабоп, тушунарли тарзда ифода этилган. Лекин материал лисоний-услубий хатолардан ҳоли эмас. Масалан, “Фарзанди, турмуш ўртоғи ёки қайната-қайнанаси бетоб бўлган чоғда кечалари ухламай ...” жумласидаги “қайната-қайнана” сўзи шевага хос тарзда берилган. Аслида эса “қайнота-қайнона” шаклида берилиши керак эди.

Нутқнинг аниқ ва равшан бўлиши, аввало сўздан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Сўзни ўз ўрнида тўғри ишлата билиш учун унинг лексик маъносини англаш зарур. Сўзнинг лексик маъносини тушунмаслик уни хато қўллашга

³² Ҳафиза Асал. Акушер-гинеколог бепул консультация кунидан репортаж.//Шифо-инфо, 15-сон. 14-бет.

олиб келади. Масалан: Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоят қарияларига... Бу гапда вилоят сўзи хато қўлланган. Одатда, қарияларга сўзи умумий ва кенг қамровда қўлланилади. Шунинг учун бу сўз вилоят сўзининг ўрнини боса олади.

“Рўйхатхонадаги қиз айтганидек, дарҳақиқат, йўлакда навбат кутиб ўтирган аёллар сони кўпчиликни ташкил қиларди” жумласидаги “дарҳақиқат” сўзи ортиқча қўлланилган. Ёки жумла “Дарҳақиқат, йўлакда навбат кутиб ўтирган аёллар сони кўпчиликни ташкил қиларди” шаклида таҳрир қилиниши лозим.

Шунингдек, бу материалда тиниш белгилари билан боғлиқ хатолар ҳам мавжуд. “У энг аввало, асабларини асраши, сабр қилиши, доимий равишда қачон ҳомиладор бўламан, деган фикрни миясидан чиқариб, организмни чиниқтириши, саломатлигини тиклаши зарурлигини тушуниб етганини айтди.”³³ Кириш сўзи гап ўртасида келса, кириш сўзининг икки тарафидан вергул қўйилади. “У, энг аввало, асабларини асраши, сабр қилиши, доимий равишда қачон ҳомиладор бўламан, деган фикрни миясидан чиқариб, организмни чиниқтириши, саломатлигини тиклаши зарурлигини тушуниб етганини айтди”.

“Газета матнининг мукамал, беҳато ва равон бўлиши учун журналистдан жуда катта маҳорат, билим, кўникма, зийраклик, материалларнинг ижтимоий-мафкуравий, маданий-ахлоқий, адабий-услубий жиҳатдан баҳолай олиш малакаси, фикрни ёзма билдириш малакаси талаб этилади. Бунинг учун журналист адабий тил меъёрлари, жумла тузиш, фикрни ёзма билдириш маҳоратига эга бўлиши лозим. Матннинг таркибий қисмлари ва унсурлари орасидаги уйғун боғланиш ва изчиллик, мазмуний ва

³³ Ҳафиза Асал. Акушер-гинеколог бепул консультация кунидан репортаж.//Шифо-инфо, 15-сон. 15-бет.

мантиқий тугаллик, уларнинг шаклий яхлитлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим”³⁴. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳар бир жанр вазифаси ва имкониятларини англаш ҳамда уларга ижодий ёндашиш оммавий ахборот самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ахборот оммага тушунарли ва содда тилда етказишни тақозо этади. Ўқувчи газета материалларидан андозали, қоидали, қатъий ифода усулини эмас, жонли, тез ва осон фаҳмланадиган услубни кутади. Шунга кўра нутқий андоза ва қолиплардан қочиш журналистларни янги воситаларни, янги ифода усулларини излашга, шу йўл билан ахборот самарадорлигини таъминлашга ва ўз шахсий услубини яратишга, уни янада такомиллаштириш, шунингдек материалда мавзуга мос фотолавҳалар устида изланишлар олиб боришга ундайди. Ўйлаб кўринг, узундан-узун мақолани ўқиш ўқувчи учун мароқлими ёки чиройли ҳамда маҳорат билан олинган ўшандай ахборотни берувчи суратними? Газетани қўлга олган ҳар қандай ўқувчи, биринчи навбатда, саҳифалардаги суратларга кўз югуртиради. Фотосуратлар, албатта матнга мос ва уни тўлиқ туриши керак. Лекин акси бўлса-чи?! Газетанинг худди шу сонидан “Ортиқча вазн: ундан қандай қутулиш мумкин?”³⁵ сарлавҳали материал берилган. Ушбу материалда бу мавзу юзасидан “Доктор-Д” клиникасининг тиббиёт фанлари доктори, уролог, андролог, репродуктолог Дилмурод Эргашев ўз маслаҳатлари, тавсияларини берган. Лекин бу материалнинг ўрта қисмларига ўз фотосуратларини бериш керак дегани эмас.

Журналистнинг термин ва тушунчалар устида ишлаши алоҳида аҳамиятга эга. Матнда барча терминлар мавзу ёритилиши жараёнида аниқлаштирилиши ва тушунтирилиши лозим. Тўғри, барча тушунчалар ҳам

³⁴ Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуги. – Т.: Университет, 2006. -218-б.

³⁵ //Шифо-инфо, 15-сон. 49-бет.

терминлар билан ифодаланмайди, бироқ бирор соҳага оид матнда тушунчаларни қўллашда битта ҳодисани битта тушунча билан ифодалаш талаб этилади.

“Масалан, хасталикнинг сон суягида учрайдиган тури пертес, катта болдир суягининг ғадир-будир қисмида келиб чиқувчи осгуд-шляттер, қўл кафтида учровчи кендик ва оёқ кафти панжа суякларида кузатилувчи кендер каби турлари мавжуд”³⁶. Ушбу жумлада ўқувчи учун тушунарсиз бўлган терминлар ишлатилган, ҳатто уларнинг изоҳлари ҳам берилмаган. Масалан, “пертес”, “осгуд-шляттер”, “кендик”, “кендер”. Материал суҳбат жанрида бўлиб мавзу юзасидан траматолог-шифокор Мирзоҳид Расулов саволларга жавоб берган. Материал сарлавҳаси ҳам бироз ғализ. “Асептик некрозни фақатгина тўхтатиб қолиш мумкин” сарлавҳаси “Асептик некрозни тўхтатиб қолиш мумкинми” шаклида бериш мақсадга мувофиқ. Суҳбат бошида асептик некрознинг ўзи ҳақида тўлиқ маълумот берилган.

Шунингдек, материални беришда бўғин кўчириш билан боғлиқ хатолар учрайди, лекин ҳозирги кунда нашрларни вёрстка қилиш жараёнида бўғинларни ўз ўрнида қўйиш имкони мавжуд. Масалан, “та-шқари”, “не-кроз”, “бин-тлар”, “шунин-гдек” каби сўзларда бўғин нотўғри кўчирилган.

Соддалик - материалнинг муаллиф талқинининг таркиби ва характери қандай бўлиши лозимлигининг кўрсаткичидир. Ўқувчи уни тушуниши учун маълум даражада куч сарфлаши керак. Жумлани тўғри тузиш ҳам матннинг қимматини оширадиган жиҳатдир. Жумлалари раво тузилган матн мазмунини илғаб олиш осон кечади, у ўқувчига тушунарли бўлади. Муаллиф жумлаларни таҳрир қилиш жараёнида муҳаррир уларнинг содда ва қисқа бўлишини таъминлаши жоиз. Бу муаллиф услубини мутлақо ўзгартириш, уни ўзига хослигидан айириш дегани эмас.

³⁶ Усмонова Ф. Асептик некрозни фақатгина тўхтатиб қолиш мумкин //Ташхис, 2014 йил, 5-сон. 4-бет.

Бунда муҳаррирларнинг ҳам хизматлари ва вазифалари белгилаб берилган. Муҳаррир бундай материалларнинг содда баён этилиши, унда билдирилган фикрлар равшан бўлишини талаб қилади. Баёндаги соддалик эса тор мутахассисликка оид сўзлар ва мураккаб ҳисоб-китоблардан воз кечиш йўли билан таъминланади. Негаки, асосий мазмунни ўзлаштириш учун нотаниш сўзлар, терминлар ҳамда янги сўзларни қўллашда қоидаларга риоя қилиш лозим. Мураккаб синтактик гап тузилиши ҳам ихтисослашган материалларнинг савиясини тушириб юборади. Қолаверса, уларнинг тили аниқ, равшан ва у мўлжалланган аудитория учун тушунарли бўлмоғи лозим.

Бу икки йўл билан амалга оширилади:

- маълум соҳага оид лексикани умумадабий тил билан алмаштириш;
- жоиз бўлса, лексикадаги атама ва сўзларга тушунтириш бериб кетиш.

ХУЛОСА

Ихтисослашган материал яратишда муаллиф ёритаётган соҳани яхши ўзлаштирган бўлиши ва уни ифодалашда тилдан тўғри фойдалана олиши даркор. Бу эса ўз-ўзидан муаллифнинг сўз бойлиги кенг ва тил материалларини ўз ўрнида ишлата олиш маҳоратига эга бўлишини талаб этади. Масалан, бадий асар яратишда муаллиф биринчи ўринга таъсирчанликни қўяди. Шу мақсадда унинг тилдан фойдаланиш имкониятлари ҳам кенг бўлади. Сўзларни кўчма маънода қўллашлардан, тилнинг тасвирий воситаларидан, мақол-маталлардан, иборалардан унумли фойдаланиши мумкин. Ёки соф илмий матнни ифодалашда аниқликка ва илмийликка эътибор берилади. Бунда аниқ факт-далиллар, терминлардан кенг фойдаланилади. Энди ҳам илмийликни ҳам бадийликни талаб этадиган, бирор соҳага йўналтирилган матнларни яратишда муаллиф анча меҳнат қилишига тўғри келади. Бунинг учун юқорида таъкидлаганимиздек, маълум билим, тилдан фойдалана олиш маҳорати талаб этилади. Ҳаммага бирдек тушунарли ва таъсирли матн яратиш осон иш эмас. Бу ўринда ихтисосланган журналист олдига қуйидаги талаблар қўйилади:

биринчидан, ихтисослашган журналист ахборот тўплашда ҳам, ахборотни узатишда ҳам мулоқот вазиятини тез ва тўғри белгилай олиши лозим. Бу ахборот манбаига (сухбатдошларга) мурожаат этиш, савол бериш, вазиятга мувофиқлашиши амалларида янглишмаслик учун ёрдам беради;

иккинчидан, ахборот кўламини, умумий мазмуний бирликни ва унинг ички бўлакларини (композицион қисмлари)ни тўғри режалаштира олиши алоҳида аҳамият касб этади;

учинчидан, режалаштирилган мазмуний-мантикий қурилишга мос воситаларини танлаш ҳамда матнни режага мувофиқ таркиблаш ва тартиблаш малакаси, маҳорати зарур;

тўртинчидан, журналист ахборот матнида ўз «Мени»ни (муаллиф шахси тимсолини) намоён қила олиш, ахборот мазмунига ўз талқини ва баҳосини аниқ ва тиниқ ифодалай олиши лозим;

бешинчидан, журналист ўз мулоқотдошлари (аудитория, шунингдек, эшиттириш ёки кўрсатув иштирокчилари) билан яқин самимий муносабат (контакт) ярата билиши даркор;

олтинчидан, оммавий ахборот канали тавсифи ва имконияти билан боғлиқ вазиятини баҳолай олиши ва шу оммавий ахборот воситасига мувофиқ ифода усулини танлай олиши лозим;

еттинчидан, журналист ҳам, таҳририят ҳам ахборот матнида турли хил лисоний, услубий нуқсонларга йўл қўйишнинг олдини олиши, адабий таҳрир жараёнига ниҳоятда масъулият билан ёндошмоғи талаб қилинади.

Ушбу талаблардан бирортаси бузилса ёки амалга ошмаса журналист олдига қўйилган вазифа кўнгилдагидай адо этилмаслиги мумкин. Бу талаблар асосида ҳосил қилинган мулоқот малакаси журналист касбий-ахборий маданияти ривожда ҳам, жамиятнинг умумий нутқий ва матний мулоқот маданияти ривожда ҳам муҳим ижтимоий намунавий вазифа бажариши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикасининг Меъёрий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.: Ўқитувчи, 2012. -84 б.
2. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. «Ноширлик фаолияти тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Тўртинчи ҳокимият. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни / Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: Ишонч марказ Сервис, 2009. -53-87-б.
6. «Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.-Т.: Ишонч марказ Сервис, 2009. -126-133-б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов

Асарлари ва нутқлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А. Фармони. “Олий малакали илмий ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” // Халқ сўзи, 2012 йил 24 июль.
8. Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // Халқ сўзи, 2012 йил 27 июнь.

9. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2010 йил 12 ноябр.
10. Каримов. И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. – Т.: Ўзбекистон. 2010.
11. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.
12. Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч.–Т.:Маънавият, 2008. - 176 б.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР

13. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи. 1992. -197 б.
14. Тошалиев И. Э., Абдусатторов Р. Оммавий ахборот воситаларнинг тили ва услуби. - Т.: Университет , 2006. -248 б.
15. Тоҳиров З. Адабий таҳрир. Дарслик. – Т.: Тафаккур-Бўстони, Чўлпон, 2012.
16. Тошалиев И. Адабий таҳрирнинг мантиқий асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 1999.
17. Тошмухамедова Л., Шомақсудова С. Махсус лексика. –Т.: Чинор, 2008.
18. Тошмухамедова Л., Холиқова М. Газета сарлавҳалари услубияти. –Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
19. Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек тили услубияти.-Т.: Университет, 2001. -40 б.
20. Эрназаров Қ., Маматова Ё., Тошалиев И. Репортерлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2002.
21. Тошалиев И. Газета сарлавҳаси стилистикаси. - Т.: Университет, 1995.

22. Сикорский Н.М. Теория и практика редактирования. Изд. второе. -М.: Высшая школа, 1980.

КУЛГИТЕРАПИЯ

Узоқ вақт комада ётган эр ўзи-га келди. Унинг хотини доимо ёни-да бўлди. Эр кўзини очиб, ёнида ўтирган хотинига деши:

«Сен доимо ҳаётим-нинг энг қийин дам-ларида ёнимда бўлдинг: мени ишдан бўшатиш-ганида, кўнглим-га таскин бердинг. Бизнесим қулаб, қарзла-рим туфайли мени отиб яралаш-ганларида, ёнимдан бир қадам на-ри кетмадинг. Ҳаётимда қандай фикрга келдим? Менимча, сен менга фа-қат бахтсизлик келтиряпсан!»

— Нега кайфиятинг йўқ?
— Докторга борувдим. Энди ўйланиб турибман.
— Нега?
— Даволанмасам, касал-ликдан ўламан.
— Даволансанг-чи?
— Унда аниқ очдан ўла-ман...



— Доктор, ростни айтинг-чи, мени да-волай оласизми!
— Ҳа, албатта, статистика маълумоти-га қараганда, бундай ҳолларда юз нафар бемордан биттаси, албатта, ту-залиб кетади.
— Нима-нима!
— Ҳаво-тирланманг, сиз мен даволаган бе-морларнинг юзинчисиз.

Жўқибой ҳикматларидан: «Болалар — ҳаёт гуллари. Уларга ҳам тувакчалар керак».

Бир аёл гўшт дўкони-га кирди:
— Менга уч килог-рамму етти юз эллик грамм гўшт беринг.
Сотувчи аёл айтган гўштни тарозида тор-тиб узатди.
— Йўқ-йўқ, менга гўшт керак эмас, уч килограмм ет-ти юз элли грамм гўштни-нинг қанча бўлиши-ни кўрмоқчи эдим...
— Нега!
— Чунки мен яқинда шунчага оздим.

Шифокор шифокорга:
— Касалликларнинг учдан бир қисмига ёмон пазандалар сабаб бўлади, мен шунга аминман.
— Фикрингизга қўшиламан, ам-мо касалликларнинг учдан икки қисмига яхши пазан-далар сабаб бўлади.

Бир кун Афанди кўлига ола-қаргани кўндириб кетаётган экан, одам-лар ажабла-ниб сўра-шибди:
— Мулла афанди, одам-лар беданага, бургутга, лочинга, тўтига нш-қибоз бўлишади. Сиз нега қаргани кўтариб юрибсиз?
Афанди дарров жавоб қи-либди:
— Одамлар қарга икки юз йил умр кўради, дейиша-ди. Шу гапнинг рост ё ёлгонлигини синаб кўрмоқчиман.



— Бу турмаклашнинг янги усулими?
— Қанақа усул?! Тароғимни изляяпман!

Баджаҳл бадавлат киши тоби қочиб қолгач, дарров доктор ча-қиртирибди. Доктор келиб ундан:
— Нима бўлди, қаерингиз оғри-япти? — деб сўрабди меҳрибон-лик билан.
— Нима бўлганлигини билиш сизнинг вазифангиз, — дебди ба-давлат киши туюқиб.
— Ундай бўлса, менга ярим со-атга ижозат берсангиз, яқин ўрто-ғим — мол докторини чақириб келсам, фақат угина беморнинг шикоятини тингламасдан диагностика қўя олади.

КЕЛГУСИ СОҲЛАРДА:

- БУРУН ЧИҒАНОҚЛАРИ КАТТАЛАШСА...
- ЮЗГА КЎРА ЯПОҶЧА ТАШХИС
- А ВА Е ВИТАМИНИНИ БИРГА ИЧИШ МУМКИНМИ?
- ПСИХОСОМАТИКА — руҳият ва тана касалликларини даволайди
- БУЙРАКСИЗ ҲАЁТ
- БОЛАДАГИ УЧУҚҚА қарши қандай курашиш керак?

Фақатгина соғлом одам эркин, қувноқ ва бахтли бўлиши мумкин

ОРТИҚЧА ВАЗН: УНДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛИШ МУМКИН?

Госпиталимизнинг юқори малакали мутахассислари ортиқча вазн муаммосидан азият чекаётган беморларга ёрдам беради.

Шифокорларимиз Европа мамлакатларида малака ошириб, янги билим ва кўникмаларга эга бўлиб қайтмоқда. Ҳозирги кунга келиб, дунёда миллиардан ортиқ одам ортиқча вазн ва семириш муаммосидан азият чекамоқда.

Семизлик, аввало, организмда калориялар йиғилиши ва уларнинг сарфланиши орасидаги номутаносиблик сабабли юзага келади. Бу метъёрдан ортиқ овқатланиш, жисмоний фаолликнинг пасайиши натижасида рўй беради.

Госпиталимиз шифокорларининг фикрича, мазкур муаммодан қутулиш учун жараён малакали мутахассис томонидан назорат қилиниши, даволаниш дастури оддийдан мураккаблик томон олиб борилиши керак.

Семизликнинг олдини олиш ҳамда даволашнинг асосий мақсади тана вазнини метъёрлаштириш ҳисобланади. Бу мақсадга икки йўл билан — ҳаракатланиш тартиби ва парҳезга қатъий амал қилиш орқали эришилади. Массаж, физиоте-



рапия, дори-дармонлар билан даволаш каби бошқа ёрдамчи усуллар жисмоний фаоллик ва тўғри овқатланиш қоидаларига риоя қилган тақдиргагина ёрдам бериши мумкин. Госпиталимиз фаолияти айнан шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, семизликни ташхислаш ва даволашга қаратилган комплекс дастурлар орқали олиб борилади.

Аввало, бемор эндокрин тизими қай аҳволдалигини аниқлаш учун шифокор-эндокринолог назорати остида тўлақонли текширувдан ўтади. Чунки аксарият ҳолларда семизлик эндокрин тизимдаги ўзгаришлар тўғрисида рўй беради. Семизликка олиб келадиган руҳий муаммолар негизини топиш мақсадида психолог суҳбатидан ҳам ўтиш зарур. Шунингдек, гинеколог, диетолог-гастроэнтеролог, юрак соҳасидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида кардиолог кўригидан ўтади.

Шифокор кўригидан ўтгач, керакли синамалар — қонда жинсий гормонлар, липид спектр топширилади. Беморнинг қайси озик-овқат маҳсулотларини яхши ҳазм қилолмаслиги аниқланади. Шу-

нингдек, асбоб-ускуналар ёрдамида амалга ошириладиган тиббий текширувлар, мисол учун, ультратовуш текшируви ўтказилади.

Барча мутахассислар кўригидан ўтилгач, ортиқча вазни бартираф этиш учун беморнинг ёши, жинси, семириш даражаси ҳамда организмда аниқланган ўзгаришларга қараб, махсус дастур ишлаб чиқилади.

Семизликни комплекс даволаш дастури икки босқичдан иборат:

- тана вазнини камайтириш 3-6 ой;
- тана вазнини барқарорлаштириш (стабиллаштириш) 6 ой давом этади.

Бу босқичлар жуда муҳим, чунки бемор билан ўтказиладиган ҳар бир муолажа бир-биридан тубдан фарқ қилади. Мисол учун, овқатланиш тартибини ўзгартиришнинг самараси биринчи босқичда яққол сезилади.

Аммо иккинчи босқичда унчалик кўзга ташланмайди. Жисмоний ҳаракатлар самараси эса кечроқ билинади. Ҳар бир босқичнинг мақсади турлича — аввал вазни камайтиришга эришилади (бу кўрсаткич ўзгармаслиги, яъни турғун бўлиши керак). Кейин эришилган натижанинг сақланиши, яъни вазнининг яна ортиб кетмаслиги назорат қилинади.





Кўп тармоқли

«DOKTOR-DI»

МЧЖ госпитали

Тез тиббий ёрдам
доимий алоқаси —
1057



Манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани,
У.Олим кўчаси 15 уй.
Кап: «Оталар чойхонаси».
E-mail: info@doctord.uz Web: www.doctord.uz

Телефонлар: 8 (371) 113-00-57,
227-30-32, 240-16-40, 240-20-38.

Хизматлар лицензияланган.
Берилган соно: 29.02.2012 йил.
Лицензия № Ю-1190-01

Саломатлик ҳам бахтга ўхшайди, у йўқолгачгина қадри билинади





ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш соҳасида босқичма-босқич ва тизимли тарзда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замонавий тиббиёт муассасаларини барпо этиш, уларни илғор жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, самарали ташхис-даволаш технологияларини амалиётга кенг жорий этиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ҳамда уларнинг шаҳар ва туман бўлимлари қошидаги тиббий ёрдам хизмати бўлимларида янгича тизим шакллантирилди. Ушбу тизим асоси-

да Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг жойлардаги филиаллари, туман ва шаҳар бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майда қабул қилинган «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ишларни давр руҳи билан ҳамнафас тарзда йўлга қўйишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

2013 йилда мазкур соҳа учун 110 та тиббий ёрдам автомашинаси сотиб олиниб, жойларга етказилди. Тизимда қарийб уч минг нафарга яқин тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда.

Бир неча йилдан бери ўтказилаётган соҳа ходимларининг республика кўрик-танлови мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги тез ёрдам хизмати фаолиятини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, фидоий мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш им-

конини бермоқда.

Танлов жараёнида беморларга аниқ ташхис қўйиш, юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш каби мезонларга асосий эътибор қаратилди. Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясининг 6-подстанция жамоаси «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди ва танловнинг бош соврини «Дамас» автоамбуланси билан тақдирланди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё вилояти филиали Қарши шаҳри тез тиббий ёрдам станцияси линия шифокори Рустам Очилов «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори» номинацияси бўйича, ушбу марказнинг Нукус филиали тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси Ихлос Телегенов «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси» номинациясида ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.


Uza.uz

7 ЙИЛДАН БЕРИ БИТТА МУАММО

«Ёшим 25 да. Анчадан бери ошқозон билан боғлиқ муаммоларим бор. Айниқса, эрталаб ва кечкурун қорним қулдирайди, газ тўпланиб, дам бўлади. Ҳатто, нажасимда ҳам шиллиқ ажралмалар пайдо бўла бошлади.

Ўзгача ичгимда ҳам ўзгариш борга ўхшайди, яъни ичимда нимадир санчиб оғрийдигандек. Бироқ ошқозонимнинг оғриганини сира ҳис қилмадим. Бу безовталикларнинг бари 18 ёшимдан бери кузатилади. Ушандан буён турли шифохоналарда даволандим, аммо фойдасини билмадим. Шифокорлар дисбактериоз, зўриққан ичак синдроми ва панкреатит ташхисини қўйишди. Айтинг-чи, бу касалликларнинг давоси борми?»

Баҳром ЙЎЛДОШЕВ, Наманган



— Муаммо юзасидан қайси шифокорга кўринганингизни билмадим, аммо улар турлича ташхис қўйишибди. Бу хасталикларнинг ҳар бири ўзига хос даवони талаб этади. Шунинг учун дастлаб аниқ ташхис зарур. Бунинг учун қуйидаги текширувлардан ўтишингиз даркор:

Дисбактериоз ва гижжа бор-йўқлигини аниқлаштириш учун нажас таҳлили;

Қорин соҳасини ультратовуш текширувидан ўтказиш;



Саволларга гастроэнтеролог, тиббиёт фанлари номзоди Сурайё АШУРОВА жавоб берди.

Ошқозонда кислота ажралиши меъерини аниқлаштириш. Аниқ ташхис қўйилганидан кейингина даво хусусида бош қотириш мумкин. Негаки, сизнинг ҳолатингизда аралаш-қуралаш муолажалар олиш соғлиққа зиён келтиради. Юқоридаги таҳлил ва текширувлардан ўтгач малакали гастроэнтеролог қабулида бўлишни маслаҳат бераман.

ҚАЙСИ МУТАХАССИСГА ИШОНАЙ?

«Бирор машқни бажарётганимда, яъни гавдамни у ён, бу ёнга бурганимда ўнг қовурға остининг сал юқорироғида оғриқ кузатилади ва 2-3 дақиқадан кейин ўтиб кетади. УТТ мутахассиси ўт қопим қийшайганини айтди. Гастроэнтеролог эса холецистит ташхисини қўйиб, кам-камдан, аммо тез-тез овқатланиб туришимни маслаҳат берди. Хуллас, ҳар иккала мутахассис бошқа-бошқа ташхис қўйиб, турлича муолажалар ёзиб беришди. Ушбу ҳолатда кимга ишонай?»

Зокир, 23 ёш, Фарғона

— Ўнг қовурға остидаги оғриқ ўт қопи ва ўт йўллари қисқарганда кузатилиши мумкин. Жигар эса оғриқсиз авзо ҳисобланади.

Эҳтимол, сиздаги муаммо ўнг томонлама қовурға ости невралгияси билан боғлиқдир (бунда оғриқлар йўталганда, нафас олиб, нафас чиқарганда, гавдани эгганда, ётганда,

ўтирганда кузатилади) ёки ошқозон йўлида яра бордир. Шунингдек, бу ҳолат панкреатит хасталигида ҳам кузатилади. Назаримда, гастроэнтерологнинг қўйган ташхиси тўғри. Аммо у сизга қанақа даво муолажаларини ёзиб берганини билмаганим учун уларни қўллаш ёки қўлламалик борасида ҳеч нима деёлмайман. Чунки ўзингизни кўрмай, текширмай фақат мурожаатингизга таяниб, тахминий жавобларни бериб ўтдим.



мадум жатт / к к к к



АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГ

БЕПУЛ КОНСУЛЬТАЦИЯ КУНИДАН РЕПОРТАЖ

*Аёл борки, борлиқ мунаввар,
Қайтаролмас йиллар шаштини.
Не ажабки, ҳатто шум тақдир
Аёллардан олмиш қасдини...*

Дарҳақиқат, аёл билан олам гўзал, турмуш фаровон. У оқила, озода, меҳрибон, саранжом, бироқ соғлиғига кези келганда, андек эътиборсиз ҳамдир. Бу фикр бежиз айтилгани йўқ. Фарзанди, турмуш ўртоғи ёки қайната-қайнаси бетоб бўлган чоғда кечалари ухламай, уларнинг соғайишлари учун қўлидан келганча елиб-югуради, унинг биринчи шифокори ўзи эканини яна бир бор намоён этади. Ўзи бирор касалликдан озор чекаётганини сезса-да, «майли ўтиб кетар» ёки «эртаиндин вақтимга қараб шифокорга кўринарман», дейди. Оила-си, юмушларини деб ўз соғлиғига етарлича эътибор қаратмайди баъзи аёллар.

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан «Шифо-инфо» газетаси таҳририяти ташаббусига кўра айнан ана шундай — оиласига жонкуяр, бироқ ўзи учун вақтини, маблағини тежайдиган аёллар учун махсус бепул консультация куни ўтказилди. 2014 йил 14 март куни Тошкентдаги «Trust medical centre» клиникаси газетамизнинг доимий ўқувчилари бўлмиш аёллар билан гавжум эди.

Клиникага кириб борар эканман, рўйхатхонадаги қиз: «Хуш келибсиз. Сиз соат нечада шифокор қабулига ёзилгансиз?» деб мени сўроққа тутди. Унга таҳририят ходимаси эканимни ва ушбу консультация ҳақида маълумот тўплашим, унинг қандай ўтгани, беморлар қаерлардан ташриф буюргани ва уларнинг

фикрларини ёзиб олишим кераклигини айтганимда, у: «Ундай бўлса, анчагина маълумот тўплар экансиз», дея кулиб йўл кўрсатди.

Иккинчи қаватга, олий тоифали шифокор, акушер-гинеколог Хулкар РАВШАНОВА хонасига кўтарилар эканман, кўплаб аёлларнинг ўзаро суҳбатлашиб ўтиргани кулоққа чалинди. Рўйхатхонадаги қиз айтганидек, дарҳақиқат, йўлакда навбат кутиб ўтирган аёллар сони жуда кўпчиликни ташкил қиларди. Кун давомида ҳамма беморлар билан суҳбатлашиш насиб этмаган бўлса-да, шу ерда ўтирган аёлларга салом бериб, шифокор хонаси эшигини очган ҳам эдим, эшик олдида турган аёл: «Синглим, навбатингиз келганида кирасиз. Пойлаб туринг», — деди. Индамай, жилмайганча хонага кириб кетдим.

Мен хонага кирган вақтда шифокор она-бола беморларга тавсияларни бериб бўлиб, улар билан хайрлашаётган экан. Навбат ҳалиги аёлга келди. У менга қараб киноя билан: «Балки чиқиб турарсиз. Ҳозир менинг навбатим дедимку», — деди. Мен: «Унда мен-



га навбат етмас экан-да» деб кулиб, Хулкар опага юзландим. Шунда шифокор мени беморга ким эканимни ва ушбу консультация кунини ташкиллаштириб, уни ёритиб бериш учун хонага навбатсиз кирганим сабабини айтди. Хонада бир зум кулги кўтарилди.

Яхши кайфиятда, кўтарингки руҳда шифокорнинг беморлар билан ўзаро мулоқотини, текширув жараёнини қузата бошладим. Беморга аниқ ташхис қўйиш учун аксарият аёлларга кўшимча текширувлар ҳам тавсия этилди. Кўпчилик аёллар «Шу баҳона бир ўзимизни текширувдан ўтказиб қўййлик» деб бу таклифни ижобий қабул қилишди.


Ҳар бир бемор акушер-гинекологдан зарур тавсияларни олиб бўлгач, уларнинг фикрлари билан қизиқдим. Кўпчилик аёллар газетادا берилган мақолалар уларнинг саломатликни асраш қанчалик муҳим эканини англаб етишларига ундаётганини айтиб, мамнун бўлишди. Айтганимча, байрам арафасида ташкиллаштирилган бу лойиҳа улар учун газета таҳририяти томонидан махсус совгадек қабул қилинганини эътироф этишди.



Соелом онадан соелом фарзандлар дунёга келади

Сўгалда

АСАЛАРИ МУМИ ВА СЎГАЛ



Бугун сизларга қўлдаги сўгални кетказишда қўлланиладиган ишончли табиий усулни ўргатмоқчиман. 16 ёшимда менда шундай кўнгилсизлик кузатилганди. Ушунда буюм менга кўйидаги тавсияни берганди. 1 чой қошиқ асалари муми эритиб олинади. Сўнг асталик билан сўгалга томизилади. У оғриқ бермай, куйдирмай тезда совийди. Биринчи мартасига мумни 30 дақиқа ушлаб туриш керак. Бир суткадан кейин ушбу муолажа яна қайтарилди. Бунда мум 40 дақиқага қўйилади. Учинчисида эса, яъни 1 суткадан кейин мум 1 соатга яқин ушлаб турилади. Асалари мумини бозор расталаридан харид қилишингиз мумкин.

Халима ИНОФОМОВА, 48 ёш, Қибрай

Тери ёрилганда

ҚАЙНОНАМГА ЁРДАМ БЕРГАН УСУЛ

Товон ва бармоқлар ёрилишидан азият чекадиганлар учун ажойиб бир суртма рецептини тақдим этмоқчиман. Бу асосан қандли диабет билан оғриганларга тегишли. Мен ушбу усулни қайнонаманда қўллаб кўрганман. 2-3 дона йирик пиёз қовуриш учун мўлжаллангандек тўғралади. Товага 1 стакан ўсимлик ёғи қуйиб, 3-5 дақиқа ёнгил киздирилади. Сўнг олов пасайтирилиб, пиёз тилла ранг тус олгунча қовурилади. Пиёзи ажратиб олингач, ёғи кунига 3 маҳал суртиб турилади. Оёққа суртилганда пахтали пайпоқ кийиб олинади.



Манзура МУХИДДИНОВА, 36 ёш, Тошкент

Соч тўкилишида

ҚИЗИМНИНГ СОЧИ ҚАЙТАДАН ЎСДИ

Мен 17 йил олдин қизимнинг соч тўкилишини даволаганман. Қизим 13 ёшлигида бош терисида кичкинагина доғ пайдо бўлди. Кейин у катталлашиб, 3 тага ажралиб, ўша қисмидаги соч тўкилди. Ҳар бирининг диаметри 5 см эди.



Шунда қизим уялганидан, ҳатто, мактабга ҳам чиқолмай қолди. Бошининг кал қисмлари кўринмаслиги учун сочини лента билан қўшиб ўриб, катта бант тақишга мажбур бўлардим. Шифокорга кўрсатсам, даволаниш узок чўзилишини, кучи ва сабри етса, ҳали сочлари ўсиб кетишини уқтирди. Кейин шундай тавсиялар берди: 1. Ҳафтада 2 маротаба тухум сариги билан бошни ювиш. 2. Кейин қичитқи ўт ва туютовон гиёҳларидан тайёрланган дамламани бошда 10 дақиқа ушлаб туриш. (Бунинг учун бир сиким қичитқи ўт ва туютовон гиёҳига 1 литр қайноқ сув қуйиб, 45 дақиқа дамланади ва сузиб олинади). Чайиш учун илиқ сув қўшилади. 3. Сўнгга бош сочиқ билан артилади ва сочининг тўкилган жойларига 3% ли йод тиндирмаси суртилади. Муолажани қўллаганимиздан 4 ойлар чамаси вақт ўтиб, шу жойлари кучли қичий бошлади ва секин-аста майин туклар чиқди. Шифокор бу ўзгаришни кўриб, ана энди сочлари ўса бошлабди. Ҳамма хавф орда қолди деди. Ҳақиқатан шундай бўлди. Орадан бир ой ўтиб, ўсиб чиққан туклар қалинлашиб, қорайди. Аммо шундай бўлса-да, биз даволанишни давом эттирдик. Қизим витаминлар қабул қилди. Кўп-кўп хўл мевалар еди. Муолажалардан кейин унинг сочлари жуда қалин ва мустаҳкам бўлиб ўсди.

Васила ОБИДОВА, 54 ёш, Андижон

Муолажаларни қўллашдан олдин, албатта, шифокор билан маслаҳатлашинг! Унутманг, ҳар бир кишининг организми ўзига хосдир.

САВОЛ-ЖАВОБЛАРДАН ИБОРАТ СУПЕРСОН

№ 15 (478), 10 АПРЕЛЬ 2014 ЙИЛ



ШИФОН- ИНФО

Хеч қачон
эскирмайдиган сихатнома



**Катарактани
тиғсиз даволаш
мумкинми?** 3-бет

**Ўсмирда соч
тукилса...** 8-бет

**Бола бурни
нега
қонайди?** 13-бет

**Гижжаларга қарши
халқона усуллар** 18-бет

**Умуртқа
жарроҳлигидан сўнг:
ҳаракатни
тиклаймиз** 4-бет

Футбол юлдузи
Одил АХМЕДОВ:

**«Жароҳатланишдан
қўрқиб —
ярим мағлубият»**

**Қандай
сувни ичиш
керак?** 34-бет

**Мўъжаз китобча:
ДОНОР КИМ?
У ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАРГА ЭГА?**



Соғлигингиз – бойлигингиз

ТАШХИС

№13 (339) 2014 йил 1-7 апрель



**ҚУЛОҚНИ
ҚАЧОН ВА ҚАЕРДА
ТЕШТИРГАН МАЪҚУЛ?**

**ТИШЛАРНИ
УЙ ШАРОИТИДА
ОҚАРТИРИШ**



**ПЕСНИ ДАВОЛАГАН
ТАРИХЧИ**

**ТУМОВНИ
ЎЗБОШИМЧА
ДАВОЛАШ
АСОРАТЛАРИ**

**ШАҲНОЗА САИДОВА,
ТИББИЁТ ФАHLАРИ НОМЗОДИ:**

**ОНА СУТИДА
СТАФИЛОКОКК АНИҚЛАНСА...**

№ 14 (425), 04 — 10 АПРЕЛЬ 2013 йил

Бетоб бўлмасдан соғлиқни ганимат бил!



ШИФО-ИНФО

Ҳеч қачон эскирмайдиган газета

Бугунги сонда:

ТОМИРЛАРДА
тиқилма (тромбоз) бўлса...



БАРМОҚ СЎРИШ
зарарли одатми?

БУРУН ҚОНАШИ—
га қарши халқона даволар

МЕТЕОРИЗМНИ
бартараф этувчи машқлар

ХОТИРА
нега пасаяди?

АСАЛ —
юзни ёшартиради



Оилавий шифокор
Шоира ИСМОИЛОВА:

«ҲАР БИР ОИЛА ЎЗ ОИЛАВИЙ ШИФОКОРИНИ БИЛИШИ ЛОЗИМ»

БЕМОР СИРИ
ошқор этилмаслиги керак

СЎЛАК
таркибида нима бор?

Газета ичидаги китобча:

ИММУНИТЕТ —

беминнат тансоқчи



